


И.К.Назаров, Г.С.Ҳалимова

**ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР – ҲУДУДЛАР КЎЗГУСИ:
МУЛОҲАЗА ВА ТАВСИЯЛАР**



Тошкент - 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

И.К.Назаров, Г.С.Ҳалимова

**ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР – ҲУДУДЛАР КЎЗГУСИ:
МУЛОҲАЗА ВА ТАВСИЯЛАР**

Тошкент
“Турон Зиё” нашриёти
2015

Ушбу илмий-усулий қўлланмада мутахассислиги географ бўлган устозу-шогирд муаллифларнинг картография фанининг истиқболига тегишли фикр-мулоҳаза, истак ва тавсиялари ўз ифодасини топган. Рисола уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда бир-бирини тўлдирувчи ва яхлит мазмунга эга бўлган илмий мақолалар, иккинчи қисмда картография фанига тегишли айрим таянч тушунчалар ва шартли белгиларнинг моҳияти ёритилган. Учинчи қисмда эса ЎзМУ ва БухДУ ўртасидаги илмий-педагогик ҳамкорлик тарихидан ва картографик таълимга тегишли лавҳалар, маърифий мазмундаги ширин хотиралар тилга олинган.

Рисола мутахассис - географ, картограф, ўлкашунос ҳамда ушбу йўналишдаги талаба ва изланувчилар учун мўлжалланган.

Такризчилар: Ўзбекистон Миллий университети
картография ва кадастр кафедраси
доценти, география фанлари номзоди,
А.Эгамбердиев;
Бухоро давлат университети
тупроқшунослик ва география кафедраси
доценти, география фанлари номзоди
А.М.Мавлонов

БухДУ илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2014 йил 5 декабрь 2-сон баённома)

**Бухоро давлат университетининг
85 йиллигига бағишланади
КИРИШ**

Географик карталар инсониятнинг қадимги ва буюк кашфиётларидан биридир. Карталар орқали бутун борлиқни, унда содир бўлаётган табиий ва ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар тасвирини яратиш имконияти мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, карталар борлиқни билиш ва тарғиб қилишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Карталар мазмун-моҳиятига кўра, география фанига бевосита тегишли бўлиб, унинг муҳим рамзи ҳисобланади. Шу боисдан етук географ-олимлар томонидан карталар ҳақида қатор ҳикматомуз фикрлар айтилган. География фанининг бобокалонларидан бири Н.Н.Баранский (“Катта Николай” - 1881-1963) **“Карта – географиянинг алфа ва омегаси”, “Карта – географиянинг иккинчи тили”**, - деб қайд қилган эди.

Ушбу рисола муаллифлари расман картограф бўлмасалар-да, география ва картография фанлари жонкуяри, ижодкори сифатида уларнинг ҳозирги ва келгуси истиқболлари ҳақида қатор фикр-мулоҳазаларга эга.

Рисолага 2006-2014 йилларда чоп этирилган тўртта илмий мақола киритилган. Улар мазмун-моҳиятига кўра мантиқан бир-бирини тўлдирувчи яхлитликка эга. Агар тўнғич мақолада (2006) географик карталарнинг мазмун-моҳиятини янада такомиллаштириш ҳақидаги ғоялар илгари сурилган бўлса, сўнггиларида картографик тамойиллар ҳамда ҳозирги глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлган картографик вазифалар хусусида фикр юритилади. Рисоладан тошкентлик таниқли картографларнинг Бухоро давлат университети географлари билан боғлиқ бўлган педагогик ҳамкорлик ҳамда маърифий сафарларига бағишланган ширин хотиралар ҳам ўрин олган. Ушбу ўқув-усулий қўлланмада келтирилган айрим таянч тушунча ва шартли

белгиларнинг изоҳи эса ўқувчиларнинг умумгеографик ва картографик билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўйлаймизки, ушбу рисоладан жой олган фикр, тафсилот ва мулоҳазалар географ, картограф ҳамда ёш изланувчиларни бефарқ қолдирмайди, аксинча, уларни янгича изланишларга, айниқса, кундалик амалиёт билан боғлиқ фаолиятга чорлайди.

ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР¹

Картография доимо география фани билан узвий боғланган ҳолда ривожланиб келган. У бошқа фанларга нисбатан географияга яқин туради. Шу боис картографиянинг ўзагини географик картография ташкил қилади. Ҳатто, антик давр алломаларидан бири, машҳур географ ва картограф Клавдий Птоломей (90-168 й.) **“Географиянинг асосий вазифаси Ер юзасини тасвирлаш”**, - деб ёзган эди (Исаченко, 1978, 7 б.). Таниқли географ Н.Н.Баранский **“Карта – географиянинг алфа ва омегаси”**, яъни географик тадқиқотлар картани ўрганиш билан бошланади ва карта билан якунланади, деб даъват қилган эди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда география фанининг ривожланиш тамойилларидан бири ҳам тасвирийликдир, яъни изланишлар туфайли қўлга киритилган натижаларни картографик тасвир орқали ифода этиш демакдир. Ўтган тарихий даврлар давомида картография босқичма-босқич ривожланди, мустақил фан сифатида шаклланди ва ўзининг ҳозирги мавқеига эга бўлди (Салищев, 1990; Мирзалиев, 2002; Эгамбердиев, 2001 ва бошқалар).

Бугунги кунда картограф ва тармоқ фан вакиллари томонидан яратилган карталар, атласлар, ўқув ва картографик асарлар маърифий манба ва илмий восита (курол) сифатида маданиятимиз учун хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, картографик асарларга бўлган талаб эса тобора ошиб бормоқда.

Бунинг асосий сабаблари бор. **Биринчидан**, табиат-жамият муносабатлари жадал суръатлар билан ортмоқда. Бу ҳол ижтимоий ҳаётнинг табиий пойдевори бўлган ландшафтларнинг, ҳатто сиёсий-маъмурий манзаранинг ўзгаришига олиб келмоқда, бошқача айтганда мавжуд карталар маънавий эскириб қолмоқда. **Иккинчидан**, карталарга бўлган ижтимоий талабнинг турлари ва

¹ Назаров И.Қ. Географик карталар мазмунини такомиллаштириш хусусида мулоҳазалар. Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари.- Тошкент, 23-24 ноябр 2006 йил, - Б. 15-17.

кўлами кўпаймоқда. Хулосалаш жоизки, айти даврда замон талабларига жавоб берадиган маърифий, илмий карталарнинг янги авлодларини яратиш ижтимоий заруриятга айланди. Республикамизда бу борада қатор ечилмаган муаммолар борлиги картограф олимлар Т.Мирзалиев, А.Эгамбердиевлар томонидан кундалик матбуотда ва илмий анжуманларда бир неча бор таъкидланган. Шу билан бир қаторда географик карталарнинг янги замонавий авлодларини яратиш бўйича картографлар томонидан истиқболли режа ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Биз шуларга қўшилган ҳолда географ мутахассис сифатида географик карталар мазмунини такомиллаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Гап шундаки, хоҳлаган картани тайёрлашнинг **икки муҳим томони бор. Биринчиси**, картанинг техник жиҳати. Бунинг учун, асосан, картограф масъул. **Иккинчиси**, картанинг мазмуни, яъни унинг илмий, маърифий жиҳати. Бунга, асосан, илмий соҳанинг вакили, айтилик географ жавобгардир. Демак, картанинг мукамал бўлиши учун картограф билан географнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта зарур.

“Ҳамма ҳолатларда ҳам картографик тадқиқот усуллариининг самарадорлиги ва унинг ривожланиши учун географ ва картографларнинг яқин ҳамкорлиги асосий омилдир”, - деб таъкидлайди таниқли картограф А.М.Берлянт (1982, 32 б.).

Баралла айтиш мумкинки, географик картографиянинг асосчилари дастлаб картографлар эмас, географлар бўлган (А.А.Борзов; Н.Н.Баранский; Ю.М.Шокальский ва бошқалар) Н.Н.Баранскийнинг “Иқтисодий география” асари 1940 йилда чоп қилинган эди. Таниқли ландшафтшунос А.Г.Исаченко 1958-1961 йиллар давомида табиий географик карталаштиришга бағишланган уч жилдли асар яратган.

Унинг **биринчи жилди** табиий географик объектларни карталаштиришнинг назарияси ва усулларига бағишланган. **Иккинчи жилди**, махсус (тармоқ) карталарни яратишга, **учинчи жилди** эса ландшафтларни карталаштиришга бағишланган. Шулар боис А.Г.Исаченко 1963 йилда СССР география жамиятининг П.П.Тяншанский номидаги олтин медалга сазовор бўлган. Олимнинг бу асарлари географлар, картографлар учун ҳанузгача ўз

қимматини йўқотган эмас. Демокчимизки, ҳозирги кунда ҳар бир географ илмий изланишини картасиз яқун қилмаслиги, карталаштиришни ҳамда картадан фойдаланишни мукамал билмоғи зарур. Келажакда геолог-картограф, тупроқшунос-картограф, ботаник-картограф, гидролог-картограф, табиий географ-картограф, ландшафтшунос-картограф, иқтисодий географ-картограф, аҳолишунос-картограф каби мутахассис кадрлар шаклланмоғи лозим.

Ўз навбатида картографлар ҳам маълум соҳалар бўйича ихтисослашмоғи ва умумгеографик қонуниятларни, табиий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар моҳиятини мукамал билмоғи, комплекс географик экспедицияларда қатнашмоғи лозим. Географ-картограф ҳамкорлигисиз кўнгилдагидек картографик самарага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтларда кўпчилик изланувчилар томонидан тузилган илмий карталар картограф назоратидан тўлиқ ўтказилмайди, натижада бундай карталарнинг, айниқса, диссертация ҳимояларида танқидга учраётганлиги бор ҳақиқат. Бу ўзаро ҳамкорлик тамойилига тўлиқ амал қилмасликнинг оқибатидир.

Яна бир мулоҳаза: географик карталарни тузишда тизим-таркиб тамойилига, яъни борлиқнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини тасвирда кўрсатишга амал қилишдир. Бу тамойилни уч маънода тушунмоқ лозим. **Биринчиси**, тор маънода (табиий ландшафт доирасида), бу табиий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо қилиши, яъни компонентлар ўртасидаги коррелятив боғланишлар картада ўз аксини топмоғи лозим.

Иккинчиси, умумгеографик маънода, бошқача айтганда, географиянинг бир бутунлигини кўзлаган ҳолда иш тутиш. Масалан, 7 синф атласидаги (2005 й) табиий географик район карталарида суғориладиган ерлар, яъни инсон қўли билан яратилган воҳалар чегаралари кўрсатилмаган. Таниқли картографлар “географик картография географиядаги тармоқ фанларнинг уйғунлашуви (интеграция) учун аниқ имкониятга эга”, - деб бежиз таъкидламаганлар (Географическая картография, 1996, стр. 3).

Учинчиси, глобал маънода, яъни хоҳлаган геотизим, ҳудуд географик қобикнинг ажралмас бўлаги демакдир. Ҳар бир географик ҳудуднинг кўлаmidан қатъий назар, географик қобикда рўй бераётган модда ва энергия оқимлари таъсирида туриши ва ривожланишини тасвирга олмоқдир. Келажақда тизим-таркиб тамойили картографияда стратегик ривожланиш йўли бўлмоғи лозим. Чунки унинг мунозара талаб қилмайдиган фалсафий асоси бор.

Қайд қилиш жоизки, ҳозирги картографияда **замонавийлик**, яъни долзарблик тамойили тўлиқ ўз аксини топаётгани йўқ. Масалан, Ўзбекистонни истиқлол йўлига кириши билан боғлиқ икки мавзунини қайд қилиш жоиз. **Биринчиси**, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши билан боғлиқ халқаро иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларни карталаштиришдир. Бу алоқалар ичида, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик, яъни алоҳида давлатлар билан товар айирбошлаш, уларни таркиби, кўлами, нафақат ўқувчи, балки кенг оммани қизиқтиради. **Иккинчи** мавзу эса бозор муносабатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар географияси ва уларнинг моҳиятини карталаштириш долзарб ижтимоий талаблардан биридир.

Яна бир мулоҳаза. Содир бўлаётган табиий, иқтисодий, сиёсий, социал жараёнларга бағишланган динамик карталарни яратишдир. Маълумки табиат, жамият доимо ўзгаришда, ривожланишда, яъни эволюцион ўзгаришни бошидан кечирмоқда. Бу ўринда табиат ва жамият муносабатларининг жадаллашиб бораётганлигини алоҳида қайд қилиш жоиз. Динамик карталар бир томондан карталарнинг илмийлигини оширса, иккинчи томондан географик башоратлаш учун имкониятлар туғдиради. Масалан, Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг (воҳаларнинг) 1924, 1941, 1991, 2006 йиллардаги чегаралари картада берилса, ўқувчида, изланувчида қатор фикр ва мантиқий мулоҳазалар туғилади. Ёки Африка қитъасининг 1913, 1950, 1980, 2006 йилги сиёсий карталари ёнма-ён келтирилса, картанинг маърифий қудрати ошади, ўқувчиларда дунёвий-сиёсий жараёнларни башоратлашга оид ғоялар шаклланади.

Бизнинг фикримизча, географик башорат келажакда география фани учун энг етакчи, яъни унинг ижтимоий нуфузини белгилайдиган илмий йўналиш бўлиши лозим.

Табиий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ҳамда табиий-маъмурий ҳудудларнинг барқарор ривожланишини башоратлаш учун бошқа фанларга нисбатан географияда нодир имкониятлар мавжуд.

Қайд қилиш жоизки, географик картографиянинг замонавийлиги ва истиқболини космик мониторингсиз тасаввур қилиш қийин. Афсуски, бу борадаги изланишлар кейинги йилларда сустлашди. Картография кафедралари олдида **“Космик мониторинг”** лабораториялари фаолият кўрсатмоғи даркор. Уларни замонавий техник жиҳозлар ва даврий космик расмлар билан таъминлаш зарур.

Картографиянинг давр билан ҳамқадам ривожланиши албатта қатор омил ва имкониятлар билан боғлиқ, лекин фан ижтимоий талаблардан орқада қолмаслиги керак.

Адабиётлар:

1. Берлянт А.М. Географические принципы использования карт как средства исследования. Географическая картография в научных исследованиях и народохозяйственной практике. М., 1982. - С. 38-50.

2. Географическая картография. Взгляд в будущее. М., Изд-во МГУ, 1985. - 229 с.

3. Исаченко А.Г. Физико-географическое картирование. Часть 1. Л.: Изд-во ЛГУ, 1958. - 232 с.

4. Мирзалиев Т. Картография. - Тошкент, Университет, 2002. - 203 б.

5. Салищев К.А. Картоведение. М., Изд-во МГУ, 1990. - 400 с.

6. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда географик картографиянинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. - Тошкент, Университет, 2006. –Б. 22-26.

МИЛЛИЙ АТЛАС КАРТАЛАРИДА ХУДУДИЙ ХУСУСИЙЛИК ТАМОЙИЛИ²

Миллий атласлар, энг аввало, миллатнинг маънавий камолоти, кўрки ва бойлигидир. Маълумки, атласшунослик дунёда узок шонли тарихга эга. Агар атласшунослик тарихи илк бор грек астрономи, картографи, географи Клавдий Птоломей (милоднинг 90-168 й) билан боғлиқ бўлса, кейинчалик эса бу борада турли мамлакатларда кичик ва катта, мавзули ва комплекс, оддий ва мукамал, турли ранг ва полиграфик сифатларда яратилган атласлар чоп этилиб келинди. Миллий атласлар ижтимоий тараққиёт ва миллий маънавиятнинг маҳсули десак тўғри бўлади. Бундай атласлар миллатнинг яшаш макони (ҳудуди), тарихи, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва сиёсий хусусиятларини ифода этувчи мумтоз асарлардир.

Миллий атласларнинг мазмун-моҳияти ва илмий-амалий салоҳияти айтиш миллат фаровонлигидан дарак берувчи маданият индикаторидир.

Ўзбекистонда 1963 йилда илк бор Ўзбекистоннинг табиий географик атласи рус тилида чоп этилган бўлса (53 бет), кейинчалик ўзбек ва рус тилларида ўқув атласлари; 1982, 1985 йилларда Ўзбекистон Республикасининг 2 жилдли илмий-маърифий атласи нашр қилинди. Кейинги йилларда эса бир қатор мавзули, комплекс атласлар ўқувчи ва мутахассисларга инъом этилди.

Қайд қилиш жоизки, атласларнинг мазмун-моҳияти, жиҳози, маърифий имкониятлари тарихий даврлар давомида такомиллашиб келди. Бундан кейин ҳам бу диалектик жараён давом этаверади (Мирзалиев, 2002; Эгамбердиев, 2006; Назаров, 2006).

Бугунги кунда чоп этишга режалаштирилаётган “Ўзбекистон миллий географик атласи” эса Ўзбекистон табиати, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва сиёсий салоҳиятини янгича босқичда, янгича миллий руҳни акс эттирадиган мумтоз асар бўлмоғи лозим.

²Назаров И.Қ., Тошов Х.Р., Аллаёров И.Ш. Миллий атлас карталарида ҳудудий хусусийлик тамойили. Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Тошкент, 6-7 май, 2009 йил, 17-19 бетлар.

Бўлғуси миллий атлас карталарини такомиллаштиришнинг бош йўлларида бири Ўзбекистон Республикасининг таркибий қисми бўлган ҳудудларнинг, аниқроғи, вилоятларнинг географик хусусиятларини атласнинг мавзули ва комплекс карталарида акс эттиришдир.

Ҳудудий хусусийлик нафақат табиатда, балки у билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодиётда, ижтимоий, маданий ҳатто сиёсатда ҳам мавжуд. Аслини олганда география машҳур олим Н.Н.Баранский айтганидек **“бир жойнинг иккинчи жойдан фарқланишини ўрганадиган фан”**.

“Мамлакат, районларнинг маҳаллий хусусиятларини аниқ кўрсата оладиган тадқиқотлар бўлмаса – география йўқ”, - деб ёзган эди таниқли олим В.А.Анучин (1960, 220 б.). У “Географик хусусийлик” географик тадқиқотларда бош йўналиш эканлигини қайта-қайта такрорлаган эди. **Ҳудудий хусусийлик туб маъноси билан география фанининг “нони”дир.**

Аслида география фанининг ҳаётчанлигини ҳудудий хусусийлик тамойили таъминлаб келади. Ҳудудларнинг бетакрор хусусиятларини очиб бериш эса географиянинг кундалик амалиёт билан боғлиқлигини таъминлайди.

Таниқли олим Л.С.Бергнинг 2-жилдли мумтоз асари “Географические зоны СССР”нинг пайдо бўлишига география фанига бўлган ижтимоий талаб сабабчи бўлган. Аниқроқ қилиб айтганда, академик Н.И.Вавилов (1887-1942) 1929-1935 йилларда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси президенти, шу билан бир қаторда 1930-1940 йилларда СССР география жамиятининг президенти лавозимларида ишлаган. У генетик, ботаник, агроном, ўсимликшунос ва географ сифатида, география фанининг амалий аҳамиятига катта эътибор берган. Н.И.Вавилов собиқ иттифоқ ҳудудида қишлоқ хўжалиги тажриба станцияларни ташкил қилиш мақсадида табиатшунос Л.С.Бергга СССРнинг ландшафт зоналарига тавсифномалар ёзишни топширади ва ниҳоят шу асосда юқорида қайд қилинган 2 жилдли мумтоз асар бунёд этилади (Саушкин, 1980, 148-б.). Натижада собиқ иттифоқ ҳудудида қишлоқ хўжалиги бўйича тажриба станциялари табиат (ландшафт) зоналари асосида ташкил этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли минтақаларида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик) тажриба

станциялари илмий географик асосга эгами?! Бу саволга жавоб бериш қийин. Ачинарлиси шуки, бу борада географларнинг сусткашлиги, етакчи эмаслиги, сўзсиз, аниқ. Ҳолбуки, географлар географик хусусийликни нафақат минтақа, вилоят, туман, ҳаттоки фермер хўжаликлари ҳудудлари доирасида аниқлаб бермоқлари лозим. Мазкур хусусийликлар мавзули, жумладан, атлас карталарида ўз аксини топмоғи эса давр талабидир.

Қайд қилиш жоизки, мустақиллик йилларида чоп этилётган атлас карталарида ҳудудий хусусийликка тегишли, яъни минтақавий рамзларга айланган айрим нодир табиий, тарихий-меъморий ёдгорликлар ўз аксини топмоқда (Ўзб. геогр. атлас, 2007). Лекин миллий атлас карталарида улар янада кенгроқ, равшанроқ намоён бўлмоғи лозим. Мазкур рамзлар карталар мазмун-моҳиятини янада бойитади ва ҳудудларнинг географик хусусиятларни янада мукамалроқ ўрганиш имкониятини беради. Географик ҳудудий хусусийлик айни минтақа заминининг табиий, тарихий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий, сиёсий моҳиятини, яъни унинг бетакрор хусусиятларини очиб беради. В.П.Семёнов-Тяншанский тили билан айтганда “жойнинг образи”ни (мазмун-моҳиятини) намоён қилади. Масалан, Тошкент шаҳрини жўшқин анҳорлар, мустақиллик майдони, А.Навоий номидаги миллий боғ, Тошкент метрополитенисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Самарқанд шаҳри учун Афросиёб тарихий ёдгорлиги, Регистон майдонидаги меъморий мажмуа, Улуғбек расадхонаси кабилар моддий ва маънавий қадриятдир. Сурхондарё вилояти учун Ҳисор тизмаси бағридаги Сангардак шаршараси, Денов дендрарийси, Имом ат Термизий мақбараси, Дашнобод анори, Бойсун фольклор ансамбли, “Алпомиш” дам олиш мажмуаси каби қадриятлар хос.

Андижон деганда Катта Фарғона канали, Бобур номидаги миллий боғ (300 га), “Хўжа обод”, “Жанубий оламушук”, “Полвонтош” нефть-газ конлари, GM Ўзбекистон автокомпанияси кўз олдимизга келади.

Гипсли, шўрхокли бепоён Устюрт платоси, экологик таназзулга юз тутган Орол денгизи ва дарё бўйидаги тўқайзорлар бизга Қорақалпоғистонни эслатади. Бошқа вилоятларга тегишли бундай мисолларни кўпдан-кўп келтириш мумкин. Ниҳоят, Бухоро вилояти ҳудудининг хусусий табиий, иқтисодий-ижтимоий қадриятлари ўзгача. Мазкур вилоят Қизилқум чўлининг жануби-

ғарбий қисмида, майдони 34 минг кв км дан ортиқ бўлган Зарафшон дельтасида жойлашган. Асосий майдонни қумли, гипсли, гилли, шўрхокли чўллар эгаллайди. “Қумбости даври”ни бошидан кечирган, бугунги кунда Бухоро-Қорақўл воҳаларини шимол томондан ўраб турган “Бухоро яшил қалқони”, ислом дини тарихи ва маданияти билан боғлиқ бўлган археологик, тарихий-меъморий обидалар Бухоронинг табиати ва маданиятидан далолат беради. Булар орасида Бўзачи ва Қоровулбозор сардобалари, Пойкент, Варахша, Вардонзе каби кўхна шаҳарлар қолдиқлари (7 аср), Бухоро Арки (милоддан аввал 1 аср), Сомонийлар мақбараси, Пойи калон (минора) ансамбли, Чорминор меъморий ёдгорлиги, Ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний - Ҳожаи Жаҳон масжиди ва мақбараси (12 аср), Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи мажмуаси, Мир Араб мадрасаси, Ситораи Моҳи Ҳоса (XIX-XX аср) кабилар бетакрор ҳудудий моддий ва маънавий қадриятлардир. Юқорида қайд қилинган ҳудудий географик хусусиятлар бўлажак миллий атлас карталарда ўз ифодасини топмоғи лозим. Бундай ёндашув **биринчидан**, карталарнинг илмий-ахборот салоҳиятини оширади. Шунинг билан бир қаторда **ҳудудий қадриятлар ўз қадрини** топади, ўқувчиларда эса Ватанга нисбатан фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади ва уларнинг маърифий-маънавий юксалиши учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Анучин В.А. Теоретические проблемы географии. - Москва Гос. Изд-во «Геогр. литературы», 1960, 264 стр.
2. Мирзалиев Т. Картография. - Тошкент. Университет, 2002. - 203 бет.
3. Назаров И.Қ. Географик карталар мазмунини такомиллаштириш хусусида мулоҳазалар. Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари. - Тошкент, 23-24 ноябрь, 2006. – Б. 15-17.
4. Саушкин.Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. – Москва. 1980. - 269 стр.

5. Солиев А. Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Тошкент: Зиё, 1999. – Б. 181.

6. Ўзбекистон географик атласи. - Тошкент, 2001. – Б. 58.

7. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда географик картографиянинг ҳолати, муаммолари ва истикболлари. Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 22-26.

ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР – ҲАҚИҚАТ ОЙНАСИ: МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР³

Географик карталар инсониятнинг буюк кашфиётларидан биридир. Албатта улар бирданига пайдо бўлган эмас. Географик карталар фан ва инсон тафаккурининг ривожланиши билан уйғун ҳолда такомиллашиб, замонавийлашиб келган. Карталар география фанининг рамзи сифатида маъмурий, таълим ва маърифий бино, идоралар хоналари тўридан жой олган. Географик карталар шаънига етук олимлар, маърифат намояналари томонидан қимматли, ҳикматомуз сўзлар ҳам айтилган (Мирзалиев, 2002; Эгамбердиев, 2006 ва бошқа).

Биз, географ – мутахассис ва география фанининг жонкуярлари ва ижодкорлари сифатида картография фанининг келгуси ривожланиши ҳақида бир неча йиллардан буён ўз мулоҳаза ва таклифларимизни билдириб келамиз (Назаров, 2006, Назаров ва бошқалар, 2009).

Ушбу мақолада қайд қилинган картографияга тегишли мулоҳаза ва таклифлар устоз-шогирд фикрларининг уйғунлиги натижасидир.

Маълумки, истиқлол туфайли мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янгилашниш, такомилланиш, юксалиш содир бўлмоқда.

Иккинчидан, диалектик мантиқ нуқтаи назардан қараганда, инсон онги, тафаккури ва ижтимоий талаби тўхтовсиз юксалиб боради. Бу - инкор қилиб бўлмайдиган диалектик ҳақиқат. Бошқа фанлар қатори картография фани зиммасига ҳам масъулиятли, замонавий вазифаларнинг юкланаётганлиги айтилиши ҳақиқатдир. Географик карталар мазмун-моҳиятига кўра ҳақиқат ойнасидир. Шундай экан, табиатда, ижтимоий ҳаётда чин ҳақиқат бўлган борлиқ ва ундаги тинимсиз ўзгаришлар географик карталарда худди ўзлгича ўз аксини (инъикосини) топгандагина улар ҳақиқат ойнасига айланади. Бу борада ўзбекистонлик картографлар олдида қатор вазифалар турибди. Москва шаҳрида 1988 йилда чоп этилган “Географик энциклопедик луғат” да карталарнинг 85 тури борлиги

³ И.К.Назаров, Г.С.Ҳалимова Географик карталар – ҳақиқат ойнаси: мулоҳаза ва таклифлар. Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш. Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда ЎзМУ геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг 90 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Тошкент, 13-14 май, 2011 йил. –Б. 24-28р.

қайд қилинган. Хўш! Қайд қилинган ушбу карталар, аввало Ўзбекистонда яратилганми? **Иккинчидан**, уларнинг замонавийлиги ва оммавийлиги таъминланганми? Бу саволларга тўлиқ жавоб бериш қийин. Келгусида географик карталарни янада такомиллаштиришда ва ишлаб чиқаришда қуйидаги умумгеографик тамойилларга таянган ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Ҳудудийлик ва хусусийлик тамойили. Ҳар бир ҳудуд алоҳида дунё. Буни Ўзбекистон мисолида қайд қиладиган бўлсак, давлат чегараларининг аниқлик ва белгиланган даражаси, ўзига хос кўрсаткичлари карталарда тўлиғича ўз инъикосини топмоғи лозим. Бундан ташқари айни ҳудудга хос бўлган табиий, археологик-тарихий, иқтисодий-ижтимоий хусусиятлар, яъни рамзларга эътибор бериш зарур. **“Мамлакат, районларнинг маҳаллий хусусиятларини кўрсата оладиган тадқиқотлар бўлмаса – география йўқ”**, - деб қайд қилган эди бундан ярим аср аввал таниқли олим В.А.Анучин (1960, 220 б.). Ҳудудий хусусийлик туб маъноси билан география фанининг “нони”дир (Назаров ва бошқа. 2009)

2. Мажмуалилик ва синтезлик тамойили. Қандай карталар яратилаётган бўлмасин, яъни у мавзулими, мажмуалими - география фанининг асосий тадқиқот усули ва моҳиятини белгилаб турувчи комплекслик ва синтезликка интилиш, тармоқ соҳа мутахассиси ва картографларнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Картограф картада географик синтезни акс эттиришни излаб юриши даркор. Унутмаслик лозимки, **тизимли ёндашувсиз, синтезсиз география фани йўқ.**

3. Тарихийлик тамойили. Ҳаракатсиз, ўзгаришсиз борлик бўлмайди. Шу боис **“тарих ўтмишининг ойнаси, келажакнинг устози”**, - деган ҳикматга амал қилиш лозим.

Орол денгизи сатҳининг даврлар давомида тадрижий ўзгаришлари кейинги йилларда махсус карталарда ўз аксини топмокда. Худди шундай ёндашув республикада суғориладиган ерлар-воҳалар чегараларини ёки антропоген таъсир туфайли рўй берган ҳудудий ўзгаришларни акс эттиришда ҳам мазкур ёндашув амалга оширилмоғи лозим. Тарихий ёндашувни мавзули, мажмуали карталарда акс эттириш имкониятлари мавжуд. Худди шу аснода географик башоратга оид карталарни яратишга ҳам

интилиш лозим. Албатта бундай тоифадаги карталарни яратиш географ, картографдан айти мавзунинг назарий ва амалий асосларини жуда мукаммал билишни ҳамда диалектик мантик кудратига эга бўлишни талаб қилади.

4. Экологик тамойил. Ҳозирги даврда экологик ёндашувсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Географлар учун экологик эмас, геоэкологик ёндашув муҳим. Ахир “**географ - ҳудудлар экологи**”, деб бежиз хулосага келинмаган (Назаров, 2006). Ҳар бир ҳудуднинг экологик моҳияти, афт-ангори ва муаммолари мавжуд. Геоэкологик карталарни яратишда иккита асосга таяниш ўринли. **Биринчидан**, айти ҳудуднинг экологик заминига, яъни жойнинг қайси табиат зонасида, дарё ҳавзасининг қайси қисмида, қайси баландлик минтақасида жойлашганлигини инобатга олмоқ зарур. Масалан, ҳудуд чўл зонасида жойлашган бўлса, у адир зонасидан экологик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Чўл зонаси тирик мавжудотларнинг яшаши учун жуда ноқулай. Табиий ёруғлик шиддатининг юқорилиги, ҳаво ҳароратининг кеча ва кундуз, йил фасллари давомида ўта кескинлиги, тупроқ, сизот сувларининг турли даражада шўрланганлиги кабилар ушбу экозаминга хос салбий сифатлардир. **Иккинчидан**, антропоген фаолият туфайли жойларда вужудга келган эковазиятни баҳолаш ва уни карталарда акс эттиришдир. Эковазият нуқтали, йўлакли, ареалли тасвирга эга бўлиши мумкин. Карталарда **эковазият динамикасини** ҳам акс эттиришнинг янги усуллари излаш лозим.

5. Гуманитар тамойил. Мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ислохотлар ким учун? Албатта, энг аввало, инсон манфаатлари учун. Инсоннинг кундалик ҳаёти, унинг иқтисодий – ижтимоий, маънавий дунёсини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар махсус карталарда ўз аксини топмоғи лозим. Барпо этилаётган истироҳат боғлари, маданият марказлари, шифохона- санатория, оромгоҳлар, маъмурий-маданий иншоотлар ўзларининг картографик тимсолини топмоғи зарур.

6. Замонавийлик тамойили. Кечаги кун бугунги кунга ўхшамайди. Бу диалектик қонуният. Хулоса шуки, ишлаб чиқарилаётган карта ва атласлар узлуксиз такомиллаштирилиб борилмоғи лозим. Аввало, бу борадаги хорижий мамлакатлар

тажрибаси ва ютуқларидан баҳраманд бўлиш, замон талабларига мос ҳолда такомилликка эришмоқ зарур.

Қолаверса, миллий картографиянинг замонавийлиги ва мукамаллигига интилиш замон талабидир. 1994 йилда ҳозирги ЎзМУнинг геология ва география факультетларининг бирлаштирилганига эътироз билдириб, география факультети профессорлари З.Акрамов, А.Рафиқов, Р.Раҳимбеков, О.Ота-Мирзаев, А.Солиев, Э.Мамедовлар “Халқ сўзи” газетасининг 9 июнь сонида **“Географик билимлар маскани”** деган мақолани эълон қилган эдилар. Мақолада география факультети республикада олий географик таълимнинг энг йирик методик ва илмий маркази эканлиги, унда агроиклимшунослик, қуруқликлар гидрологияси, география таълими методикаси, география тарихи, қишлоқ хўжалиги географияси, аҳолишунослик ва демография соҳаларида илмий мактаблар яратилганлиги, картография, айниқса, замонавий аэрокосмик тадқиқот усуллари йўлга қўйилганлиги фахр билан тилга олинган эди. Шунинг билан бир қаторда тиббиёт географияси, ҳарбий география, географик башорат, мелиоратив география, географик экология, қурилишнинг географик асослари, хорижий мамлакатлар географияси, тижорат географияси, ўлкашунослик ва туризм каби илмий соҳаларнинг тараққий этмаганлиги қайд қилинган эди.

Хўш, ўтган 17 йил давомида, география фанидаги бошқа йўналишларни қўйиб турайлик, картография соҳасида туб ижтимоий ўзгаришлар рўй бердими? Албатта, ўзгаришлар юз бермоқда, лекин замон талаби даражасида эмас. Дунёда глобаллашув жараёнлари жадаллашмоқда. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий-ижтимоий, маданий, илмий, сиёсий алоқалар тобора такомиллашди. Мамлакатимизда эса ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда, 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,5 фоиз ўсишига эришилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тегишли равишда 49 ва 52,5 фоизга етди.

Мамлакатимизда 2010 йил 9700 миллион АҚШ доллорига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. 2005-2010 йиллар давомида 7800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1500 та касб-хунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилди ҳамда

реконструкция қилинди. Фақатгина 2010 йилда мамлакатимизнинг барча 159 туман қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шarti билан 6800 та уй-жой барпо этилди (Каримов, 2011). Бундай иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларнинг поёни йўқ.

Юртимизда, айнаи дамда, жаҳонда рўй бераётган жараён ва ўзгаришларнинг картографик тасвирини яратишда ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университетининг география факультети, айниқса, картография ва кадастр кафедраси катта имкониятларга эга. Боз устига ЎзМУ республикадаги барча университетлар учун илмий-усулий таянч марказ ҳисобланади. Ушбу масканда замонавий картографияни йўлга қўйиш учун **биринчи навбатда** картография ва кадастр кафедраси ҳузурида “Космик картография” илмий лабораториясини қайта ташкил қилиш лозим. Ушбу лабораторияни замонавий асбоб-ускуна ва даврий космик суръатлар ҳамда географик мониторингга тегишли маълумотлар билан таъминлашни йўлга қўйиш лозим. Унинг натижалари эса беқиёс амалий аҳамиятга эга. Яратилаётган географик карталар борлиқни ва замонавийликни тўла-тўқис акс эттиргандагина ҳақиқат ойнасига айланади ва география фанининг ижтимоий нуфузини юксалтаришга ўз ҳиссасини қўшиб боради. Бу ўринда **биринчилар қатори** ўлкашунослик ва туризм билан боғлиқ картографик тадқиқотларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу, энг аввалло, мамлакатимизнинг табиий, тарихий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини жаҳон ҳамжамятига етказишнинг самарали йўлларида биридир. Бундай ёндашув ўз навбатида мамлакатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаш ҳамда география фанининг амалий аҳамиятини юксалтириш имкониятларига йўл очади.

Хулоса ўрнида қайд қилиш жоизки, миллий картографияни ривожлантиришда юқорида қайд қилинган **умумгеографик тамойиллар** асосида иш тутилса, географик карталар асл маънода ҳақиқат ойнаси нуфузига эга бўлади ва илмий – маърифий асар сифатида амалиётга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Барча режа дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бухоронома, № 8-9, 26 январь, 2011 йил.

2. Акрамов З. ва бошқалар. Географик билимлар маскани. “Халқ сўзи”. 1994, 9 июнь.

3. Анучин В.А. Теорические проблемы географии. Москва: Гос. Изд-во «Геогр. литературы», 1960. - 264 стр.

4. Географический энциклопедический словарь. Москва: «Советская энциклопедия», 1988. - 432 стр.

5. Мирзалиев Т. Картография. - Тошкент. Университет, 2002. –Б. 203.

6. Назаров И.Қ. Географик карталар мазмунини такомиллаш тириш хусусида мулоҳазалар. Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари. Тошкент, 23-24 ноябрь, 2006. – Б. 15-17

7. Назаров И.Қ., Тошов Х.Р., Аллаёров И.Ш. Миллий атлас карталарида ҳудудий хусусийлик тамойили. Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий конференция материаллари. Тошкент 6-7 май, 2009. –Б. 17-19.

8. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда географик картографиянинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Тошкент. Университет. 2006, - Б. 22-26.

ГЕОГРАФИК КАРТАЛАР - ОЙНАИ ЖАҲОН, ЁХУД ГЛОБАЛ ЖАРАЁНЛАРНИ КАРТАЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ХУСУСИДА⁴

Кейинги йилларда "Глобализм", "Глобалистика", "Глобаллашув", "Глобал муаммолар" каби атама ва тушунчалар оммалашиб кетди. "Глобал" атамаси французча "Global" сўзидан келиб чиққан бўлиб, энг умумий, кўлами ва моҳияти жиҳатдан Ер шарига, яъни башариятга дахлдор бўлган муаммоларни ўз ичига оладиган тушунчадир. Ушбу муаммоларнинг аксарияти табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар оқибатидир.

Глобаллашув жаҳон мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг, айниқса, кейинги йилларда ахборот технологиялари тизимининг жадал ривожланиши оқибатида ҳозирги босқичда етиб келди. Шу боис ХХІ аср "ахборот технологиялари асри" деб тилга олинмоқда. Файласуфлар эса бугунги кунда Ер табиатини "ноосфера" ("ақл соҳаси") тараққиёт босқичига кирганлигини қайд қилмоқдалар (Иб. Каримов, 2007, 19 бет).

Глобаллашув жараёнининг илдизлари узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Фанда одамнинг биологик тур сифатида тўнғич ватани Африка қитъасининг тропик саванналари ҳисобланади. Ақлли одам (*Homo sapiens*) эса бундан 40 минг йил муқаддам шаклланади. Мазкур одамлар яшаш учун қулай шароит ва табиий бойликлар излаб янги ерларни ўзлаштиришга киришадилар. Бу жараён барча қуруқликларни (Антарктидадан ташқари) эгаллаш билан якун топади. Бу глобаллашув борасидаги дастлабки "қадамлар" бўлган. Бу жараён мамлакат, элатлар ўртасида савдо-сотиқнинг йўлга қўйилиши билан янги поғонага кўтарилади. Буюк географик кашфиётлар (1492-1650) даври эса глобаллашув тарихида ўзига хос босқич бўлган. ХІХ асрнинг охирига келиб жаҳон бозорининг шаклланиши глобаллашув жараёнини янада кучайишига олиб келди. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг мамлакатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши ҳамда юзага келган халқаро бирлашма, уюшмалар бу

⁴Назаров И.Қ., Хидирова Г.Р., Ҳалимова Г.С. Географик карталар - ойнаи жаҳон, ёҳуд глобал жараёнларни карталаштириш зарурлиги хусусида. Ўзбекистонда комплекс ва мавзули картага олиш: тарих, назария, методлар, амалиёт. Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси тизимидаги "Картография" илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2014 йил. –Б. 41-45.

борада янги даврни очиб берди. Айниқса, 1945 йилда "тинчлик уйи" деб тилга олинадиган Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг ташкил этилиши, дунёвий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш йўлида қутлуғ қадам бўлди. Мазкур ташкилот 200 га яқин давлатларни бирлаштирган бўлиб, глобал муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Кейинги ўн йилликларда эса халқаро муносабатларнинг жадаллашуви ҳамда замонавий ахборот технологиялари тизимининг вужудга келиши глобаллашув жараёнини ҳозирги ҳолатга олиб келди, бу жараён бундан кейин ҳам узлуксиз жадаллашиб боради. Мазкур жараён инсоният учун **бир томондан** ижобий имкониятларни юзага келтираётган бўлса, **иккинчи томондан** эса янгича таҳдид, маънавий инқирозларга сабаб бўлмоқда.

Рус олимлари С.Б. Лавров, Ю.Н. Гладкий (2000) бундан 10-15 йиллар муқаддам башарият олдида турган энг долзарб 16 та муаммо борлигини кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қилган эдилар. Булар: **тинчликни сақлаш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, энергетика, хом-ашё, дунё океани, маданият ва одоб инқирози, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқаришдаги ҳалокатлар, жинойтчилик ва терроризм, демократиянинг тақчиллиги, урбанизация, миллатлараро муносабатлар, демография, озиқ-овқат, қолоқлик ва ниҳоят экологик муаммолардир.**

Бугунги кунда эса ушбу муаммоларнинг сони ва кескинлик даражаси тобора ортиб бормоқда. Фан ва техниканинг узлуксиз ривожи, дунё аҳолиси сонининг тобора ортиб бораётганлиги, ичимлик сув, хом-ашё танқислиги, иқлим ўзгариши, чўлланиш, биохилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиб бораётганлиги (айниқса, чиқиндилар муаммоси), халқаро туризм, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг жадаллашуви бор ҳақиқатдир. Шунинг билан бир қаторда янги муаммолар: айрим мамлакатларнинг сиёсий-маъмурий табақаланиб бораётганлиги, этник гуруҳлар ўртасидаги биродаркушлик, ҳокимият учун кураш, зўравонлик, жангарилик, қароқчилик, терроризм, экстремистик гуруҳлар сонининг ортиб бораётганлиги, одам савдоси, ноқонуний муҳожирлик, қашшоқлик, дунё сармоясининг алоҳида шахслар қўлида тўпланиши, миллат, элат ва ирқларнинг бир-бири билан

аралашиб кетаётганлиги, "Ғарб" ёшлари ўртасидаги тартибсизлик, бегунох одамларга нисбатан қотиллик, **"оммавий маданият"** хуружлари, айниқса, андишасизлик, ахлоқсизлик, миллий қадриятларнинг қадрсизланиши каби салбий жараёнлар кучайиб бормоқда. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва транспортда рўй бераётган ҳалокатлар, ўрмон ёнғинлари ҳамда табиий офатлар келтираётган зарарлар кўлами ортиб бормоқда. Юқоридаги қайд қилинган жараёнлар оқибати боис гиёҳвандлик, янги касалликлар тури (ОИТС, парранда, чўчка грипи, эбола безгаги кабилар) сони ва уларнинг маънавий ҳамда моддий хуружлари кучаймоқда.

Фалсафий-синергетик тил билан айтганда, дунёда нотинчлик, тартибсизликлар (флуктуация) беқарорлик ортмоқда. Дунё белгилаб қўйилган йўл билан эмас, балки бетакрор ("чизиксиз") йўллар билан ривожланмоқда (Фалсафа. Қомусий луғат, 2004). Рўй бераётган глобал жараёнларнинг ижобий ва салбий оқибатлари моҳиятидан огоҳ бўлиш, тегишли хулосалар чиқариб бориш ҳозирги замон кишисининг инсоний ва фуқаролик бурчидир. Чунки мазкур жараёнлар ҳар бир кишининг нафақат онги, балки кундалик ҳаёт тарзига таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Содир бўлаётган глобал жараёнларнинг имкониятларидан фойдаланиш, унинг хавф-хатарларидан эса тегишли хулосалар чиқаришнинг энг биринчи йўлларида бири ушбу жараён-муаммоларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, огоҳ бўлишдир. Фалсафий тил билан айтганда, дунёвий онг, янгича тафаккур тарзига эга бўлишдир (Каримов Иб., 2007. – Б.191.).

Бу борада тасвирий (кўргазма) ахборот воситаларининг, айниқса, мавзули, даврий географик карталарнинг аҳамияти бекиёс. **Географик карталар бор ҳақиқатни билишнинг энг қулай, таъсирчан ва самарали дидактик усулларида биридир.** Шу боис таълим тизимида ушбу анъанавий усулдан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Карта-ҳақиқат ойнаси, ҳудудлар ойнаси, кўзгуси деган асосли хулосаларга келинганлиги бежиз эмас (Назаров; Ҳалимова, 2011; Назаров, 2013).

Шунинг билан бир қаторда, географик карталар ойнаи жаҳон ҳамдир. Чунки географик карталарда турли тамойил, ёндашув, усуллар билан жаҳонда кечаётган воқеа ва жараёнларни ифодалаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун аниқ маълумотларга таянган

ҳолда мавзули, даврий карталарни яратиш мақсадга мувофиқ. Масалан, халқаро туризмнинг тарихи, ҳозирги ҳолати, истиқбол йўналишлари ва географиясининг картографик тасвирларини яратиш жуда муҳим маърифий аҳамиятга эга. Ёки чучук сув муаммосига (захиралари, сифати, ундан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати) бағишланган карталар айти даврда зарурдир. Худди шунингдек, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ифодаловчи карталар илмий-маърифий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунё сахнасида рўй бераётган айирмачилик ва этник урушлар, терроризм, гиёҳвандлик, ноқонуний мухожирлик "оммавий маданият" хуружлари, "аср вабоси" (ОИТС) каби касаллик ўчоқлари ва ҳудудларини акс эттирувчи мавзули карталарни яратиш давр талабидир.

Кейинги йилларда глобаллашув жараёни тобора авж олиб бораётганлигига қарамасдан, бу соҳа ҳанузгача мамлакатимиз географлари, жумладан, картографлари эътиборидан четда қолиб келмоқда. Юртимиз географлари орасида эса глобаллашув жараёни билан бевосита шуғулланиб келаётган тадқиқотчилар йўқ ҳисоби. Аслида эса глобал жараёнларни ўрганишда ва уларнинг ечимини топишда географ олимлар етакчилик қилмоғи лозим. Чунки география мазмун-моҳияти билан дунёвий, минтақавий, миллий ва маҳаллий кўламдаги муаммоларни ҳудудий тамойиллар асосида, мажмуали ўрганадиган ва синтез қиладиган фандир. Бу ўринда қайд қилиш жоизки, глобал муаммоларни алоҳида предмет, фан сифатида ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимида **"Глобал география"** фани номи билан ўқитишнинг вақти келди.

— Юқорида қайд килинган вазифаларнинг амалда бажарилиши: **биринчидан**, тобора авж олиб бораётган глобаллашув жараёнлари моҳиятини чуқур англаш имкониятларини кенгайтиради, инсонларда дунёвий онг ва янгича тафаккур тарзининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. **Иккинчидан**, глобаллашув бўҳрони шароитида, маънавий пойдевор бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни, жонажон она-Ватанимизни асраб-авайлаш нақадар зарур вазифа эканлигини равшанроқ англашга ва сергак бўлишга ундайди. **Учинчидан**, география, жумладан, картография фанларининг ижтимоий нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов Иброҳим. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 208.
2. Лавров С.Б., Гладкий Ю.Н. Глобальная география. 11 класс. – Москва: Дрофа, 2000. - 352 стр.
3. Назаров И..Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – Б. 212.
4. Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С. Географик карталар-ҳақиқат ойнаси: мулоҳаза ва таклифлар. Ўзбекистан Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги, ЎзМУ геодезия картография ва кадастр кафедрасининг 90 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2011. – Б. 4-7.
5. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 496.

ГЛОССАРИЙ

Ареаллар усули (ареал лотинча – “майдон, фазо, макон, бўшлиқ” деган маъноларни англатади) бирорта ҳодисани, масалан ўсимликлар турларининг, ҳайвонларнинг, ҳайдаладиган ерларнинг ва шу кабилар тарқалган жойларига ареал дейилади. Жойлашиш характери бўйича ҳодиса ўзининг ареали чегарасида узлуксиз, яхлит, бутун (масалан, ер юзасининг музлаши) ёки тарқок (масалан, пахта экиладиган ареал) бўлиши мумкин. Абсолют ва нисбий ареалларни ажратишади. Ареал чегарасидан ташқарида ўша ҳодиса, масалан, ҳайвонларнинг айрим тури бошқа бутунлай учрамаса, ундай ареал *абсолют* ареал дейилади. *Нисбий* ареал анча тору, ўша ҳодиса тарқалган ҳудудни қоплайди ва ўша ҳудудни ичида шу ҳодиса маълум хусусиятларга эга бўлади, масалан, ҳайвонлар тури (олмахон, крот-ер остида яшайдиган бир турли сут эмизувчи ҳайвон) овлаш учун етарли тарқалиш зичлигига эга бўлади.

Атласнинг дастури - атласнинг тилини ва белгиланган мақсадини, уни математик асосини, мазмунини, генерализация тамойилларини, шартли белгиларини, тавсия этиладиган картографик материаллар, улардан фойдаланиш ва ҳужжатни тайёрлаш технологиясини белгиладиган ҳужжат.

Белгилар усули - алоҳида тасвирлаш усули сифатида карта масштабида ифодаланмайдиган ёки картографик белгига қараганда кам (кичик) майдонни эгаллайдиган объектларнинг ўрнашган жойини кўрсатиш учун ва умуман, аниқ (конкрет) пунктларга жойлаштирилган ҳодисаларни тасвирлаб бериш учун қўлланилади. Масалан, топографик карталарда белгилар билан жойдаги предметлар: километр ва йўл кўрсаткичлари, якка ўсган ориентир аҳамиятига эга бўлган дарахт (лар), радиомачталар ва ҳоказо. Майда масштабли мавзули ва умумгеографик карталарда белгилар объектларни ўрнашган жойини ва турини кўрсатишдан ташқари, кўпинча, бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, объектнинг миқдор кўрсаткичларини (катта-кичиклигини), аҳамиятини, унинг вақт мобайнида ўзгаришини ва ҳоказоларни тавсифлайди.

География – атамаси грекча “ge”-“Ер”, “grapho”-“ёзаман”, тасвирлайман (описываю) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, грек олими Эратосфен Киренский (мил.авв. 276-194 й.) томонидан фанга киритилган. Фаннинг ўрганиш объекти Ер юзини эгаллаб

турган турли катталиқдаги ҳудудлар-геотизимлардир. Бошқача қилиб айтганда, бу фан табиий, маъмурий-сиёсий ҳудудлар ўртасидаги хусусий фарқланишларни ўрганади. Қандай фарқланишларни? Геологиясидан тортиб маънавий, ижтимоий, сиёсий тузилишига бўлган фарқланишларни! Қандай тамойил асосида ўрганади? Мажмуали (комплекс) ёндашув асосида ўрганади ва синтез қилади.

Фаннинг ўрганиш предмети нима? Бу ҳудудлар ёки унинг таркибий қисмларининг маълум жиҳатларини тизимли ёндашув асосида ўрганишдир. География фанининг тадқиқот тамойиллари: ҳудудийлик, мажмуалилик, синтезлик, тарихийлик, экологик, тасвирийлик ёки картографик, гуманитар (инсонпарварлик) башоратлилик кабилар. Географик тадқиқотлар жамиятни ҳудудларда оқилона ташкил қилишнинг илмий асосларини яратишни кўзда тутди (Назаров, 2013). Фаннинг бетакрор (феноменал) хусусияти эса унинг мажмуали, яъни табиий ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳудудий тизимларни қамраб олганлигидир. Шу боисдан ҳам география фанининг “нони” ҳудудий ва тизимли ёндашувдир. Борлиқ диалектикаси ва тизимлар назарияси эса география фани бир бутунлигининг методологик асосидир.

Географик атлас – умумий дастурга биноан бир бутун (яхлит, бўлинмас) асар сифатида бажарилган географик карталарнинг системали тўплами. Атлас ҳар хил географик карталарнинг оддий тўплами эмас, уларнинг китоб ёки альбом кўринишидаги механик бирлашуви эмас; у ўзаро узвий равишда боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган карталар системасини ўз ичига олади, бу система атласнинг мақсади ва ундан фойдаланиш хусусиятлари билан ўзаро мувофиқлашган бўлади. Қадимги грек олими Клавдий Птоломейнинг географик карталар тўпламини (эрамизни II асри) биринчи географик атлас деб ҳисоблаш мумкин. XV асрнинг охири ва XVI аср бошларидаги Буюк географик кашфиётлар Ер тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирганидан сўнг географик атлас кенг ёйилди, колониал босиб олишлар, савдо ва очик денгизда кема қатновининг ривожланиши ва бошқалар географик карталарга бўлган эҳтиёжни ҳамда муносабатни тубдан ўзгартирди.

«Атлас» атамаси голландиялик картограф Герард Меркатор (1512-1594) томонидан илк бор қўлланган. У 20 дан ортиқ

картографик проекциялар ишлаб чиқади, шулардан кенг тарқалгани тенг бурчакли цилиндрик проекциядир. У 1569 йилдан бошлаб дунё карталарини яратишда қўлланила бошланган. Меркатор денгиз кемачилиги учун карталар яратиб, уларга тавсифлар ёзиб, “атлас” деб ном қўяди. Унинг бу альбом – асари ўлимидан сўнг 1595 йилда чоп этирилган. Атлас номи шимолий Африкада жойлашган Ливиянинг афсонавий подшоси Атласнинг шарафига қўйилган. Ривоят қилишларича, у биринчи бўлиб осмон глобусини яратган эмиш. Қайд қилиш жоизки, бизнинг фикримизча, “Атлас” номи аслида Ливия давлати ҳудудида жойлашган Атлас тоғлари (4165 м) номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Атласлар ҳудудий қамровига кўра: *дунё, алоҳида қитъа, материк, давлат, вилоят* атласларига бўлинади. Мазмунига кўра: *умумгеографик ва табиий географик* (геологик, палеогеографик, иқлимий, тупроқ, ботаник, зоологик, анотомик ва бошқ.) атласлар ажратилади.

Атласларни улардан *фойдаланиш мақсадларига* кўра: *ўқув, ўлкашунослик, туристик, йўл, ташвиқот* ва бошқа атласларга бўлиш мумкин. Бу таснифнинг бошқа аспекти, атласларни илмий-маълумотнома ва оммабоп атласларга бўлиш ҳисобланади. Ниҳоят, форматига (бичимига) кўра каттакон ёки стол устида турадиган, ўртача, кичик, шунингдек, чўнтак атласларини ажратишади. Илк бор Ўзбекистоннинг комплекс атласи 1963 йилда, 1982 ва 1985 йилларда эса 2 жилдли тарзда чоп этирилган. Эндиликда Ўзбекистон Миллий атласини яратиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Географик асос - карта мазмунининг умумгеографик қисми бўлиб, у мавзули карта мазмунини ташкил этган элементларни картага тўғри тушириш ва фазовий боғлаш, карта бўйича ориентирлашга хизмат қилади


Гипсометрик бўяш шкаласи-картада қабул қилинган гипсометрик поғоналарга берилган ранглар, тус, рангнинг оч-тўқлиги, бир рангнинг турлича кўриниш шкаласи.

Географик координаталар тўри Ер юзидаги жойлар (нуқталар) манзилларини белгилаш, аниқлаш учун халқаро келишув асосида қабул қилинган. Мазкур тўр географик кенглик ва

узушликлардан иборат бўлиб, градус ҳисобида ўлчанади. Ҳар бир градус 60 минут, ҳар бир минут эса 60 секунддан иборат.

Географик кенглик экватор чизиғидан бошланади (ноль градус) ва шимолий ҳамда жанубий қутбларгача (90 градусгача) давом этади. Географик кенглик шимолий ва жанубий кенгликлардан иборат. Географик узушлик эса бошланғич (бош) меридиандан бошланади ва 0-180 градусгача ғарбий (+) ва 0-180 градусгача шарқий (-) узушликка эга бўлади. Бош (бошланғич) меридиан деб Гринвич обсерваторияси устидан ўтиб икки қутбни бирлаштирувчи чизиқ қабул қилинган. Гринвич обсерваторияси Лондон шаҳрининг жануби-шарқий чекка қисмида, Темза дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Гринвич (Гринич) – Greenwich инглизча – яшил кўрфаз (қўлтиқ) маъносини билдиради. Бухоро шаҳрининг марказий қисми – Лабиҳовуз, $39^{\circ}47'$ шимолий кенглик ва $64^{\circ}25'$ шарқий узушликка эга.

Изолиниялар усули – «Изос» грекча сўз бўлиб – “тенг”, “бир хил” деган маъноларни англатади. Изолиниялар деб картада



ҳодисани бирор миқдор кўрсаткичи асосида бир хил қийматга эга бўлган нуқталар бўйича ўтган ёки уларни бирлаштирувчи эгри чизиққа айтилади. Одатда, бу усул билан узлуксиз тарқалган (ёйилган) ва фазода аста-секин ўзгарадиган ҳодисалар тасвирланади. Изолинияларга характерли мисол бўлиб топографик карталарда рельефни тасвирлашни асосий усули

бўлган -горизонталлар ёки изогипслар ҳисобланади. Карта(лар)да денгиз сатҳидан бир хил мутлоқ баландликда жойлашган нуқталарни бирлаштирувчи эгри чизиқ (лар)га **горизонтал(лар)** дейилади. Шунингдек, масалан, **изотермалар** – бир хил ҳаво ҳароратига эга бўлган нуқталарни туташтирувчи эгри чизиқлар; **изобаралар** – бир хил ҳаво босимига эга бўлган жойда нуқталарни бирлаштирувчи эгри чизиқлар; **изогиеталар** – бир хил ёғин-сочин

тушадиган ерларни (нуқталарни) туташтирувчи эгри чизиқлар; **изобаталар** – бир хил чуқурликка эга бўлган ерларни туташтирувчи эгри чизиқлар ва бошқалар. Иқлим карталарини тузишда изолиниялар асосий усул ҳисобланади. Айрим ҳолларда карталарда изолинияларни локал (маълум жойда тўпланган, ўчоқ) ёки бўлиниб-бўлиниб тарқалган (аҳоли зичлиги, ҳудуднинг ўрмон билан қопланганлиги) ҳодисалар учун ҳам қўлланилади. Ушбу ҳолда улар **псевдоизолиниялар** дейилади.

Карта – Ер юзасининг, бошқа осмон жисмларининг ёки космик фазонинг математик аниқ белгиланган, кичрайтирилган, умумлаштирилган тасвири бўлиб, у қабул қилинган шартли белгилар асосида уларда жойлашган объектларни кўрсатади. Карта атамаси юнонча (хартес-папирос қоғози) сўздан олинган, латинча “charta”(қоғоз варақ) атамасидан келиб чиққан. Юнонча chartes (карта), латинча “charta”, туркча “harita.”Туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тилида ҳам карта дейилса этимологик жиҳатдан тўғри бўлади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур тасвирий асарлар ҳам карта ҳам харита деб қайд қилинган (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2,4-жилдлар. 2006; 2008). Ўн икки жилдли Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида эса фақат карта деб тилга олинади (9-жилд, 2005, Б. 395).

Бизнингча, карта (картография) деб аташнинг бир неча асослари бор. **Биринчидан** карта сўзи ўзбек тилига арабчадан кириб келган. **Иккинчидан**, юнонча chartes-kartis деб ўқилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд, 385 бет). **Учинчидан**, карта атамаси ўзбек тилида оммалашиб кетган ва ўзбек тили луғат захирасига киритилган. **Тўртинчидан**, карта атамаси қатор хорижий халқларнинг луғат захирасига киритилган.

Карта ахборот манбаи сифатида борлиқни билишнинг энг таъсирчан ва самарали усулларида биридир. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган воқеа, жараёнларни карталаштириш мумкин. Карталар мазмун-моҳиятига кўра география фанига яқин туради ва унинг рамзи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам таниқли олим Л.С.Берг “**географик тадқиқотлар карталарни ўрганиш билан бошланади ва янги карталарни яратиш билан яқун топади**”, деган эди. “**Карталар – ҳудудлар ойнаси**”, “**Карталар – ҳақиқат ойнаси**”, “**Карта – ойнаи жаҳон**”

каби хулосалар борки, бу географик карталарнинг илмий-маърифий аҳамиятини ифодалайди.

Картография - картографик асарларни яратиш, ўрганиш ва фойдаланиш масалалари билан шуғулланадиган фан (билим), техника ва ишлаб чиқариш соҳаси. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам картография, ҳам харитография деб тилга олинган (2-жилд, 325 бет; 4-жилд, 385 бет). Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса фақат карташунослик деб изоҳ берилган (9-жилд, 398 бет). Ушбу фаннинг назарияси ва амалиёти билан картографлар шуғулланади.

Карта варақлари наменклатураси - кўп варақли картанинг алоҳида варақларини маълум система бўйича белгилаш.

Карта корректураси - картани тайёрлашнинг барча босқичларда мазмуни ва техник жиҳатдан бажарилишини текшириш.

Карта яратиш бўйича тахририй кўрсатмалар - картани тузиш ва нашрга тайёрлашнинг принципиал тахририй масалалари бўйича кўрсатмаларни ўз ичига оладиган ҳужжат.

Картографик шартли белгилар - картада ҳар хил объектларни ҳамда уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодалаш учун қўлланиладиган шартли белгилар.

Картадаги тушунтириш ёзувлари - картада тасвирланган объектларнинг турини ёки хилини, шунингдек уларни миқдор ва сифат тафсилотларини тушунтирадиган ёзувлар.

Картанинг географик асоси - соҳавий, мавзули ва махсус карталар мазмунининг умумгеографик қисми бўлиб, уларнинг махсус мазмунини ташкил этадиган элементларини картага тўғри тушириш, фазовий боғлаш ва картадан фойдаланиш вақтида ориентирлашга хизмат қилади.

Картанинг градусли (даражали) рамкаси - маълум градусли сонлар орқали ўтказилган меридианлар ва параллелларнинг чиқиши кўрсатилган карта рамкаси.

Картанинг компоновкаси - компоновка лотинча сўз “componere”дан олинган бўлиб, “тузмок” (алоҳида қисмлардан мувофиқлаштирилган, бутун) деган маънони англатади. Картада тасвирланадиган ҳудуднинг чегарасини аниқлаш ва уни карта рамкаларига нисбатан жойлаштириш, рамканинг ичида ва ундан ташқарида картанинг номини, масштабини, легендасини, ҳар хил

қўшимча кесма карталарни ва бошқа шунга ўхшаш маълумотларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш.

Картанинг легендаси - карта мазмунини очиб берадиган барча шартли белгилар ва изоҳлар тизими.

Картанинг математик асоси - картанинг математик элементлари мажмуи (картографик проекция ва у билан боғлиқ координата тўри, масштаб, геодезик асос, компоновка, разграфика ва наменклатура).

Картанинг нашр қилиш - картани полиграфик ёки бошқа кўпайтирадиган воситалар билан худди ўзидай (аслидай) қайта (такрор) ишлаб чиқариш ва кўпайтириш.

Картанинг қўшимча элементлари - карта мазмуни билан боғланган, уни тўлатадиган, бойитадиган ва тушунтирадиган кесма-карталар, диаграммалар, блок-диаграммалар, графиклар, профиллар, матнли ёки рақамли маълумотлар.

Картанинг минутли рамкаси - маълум минутли сонлар орқали ўтказилган меридианлар ва паралелларнинг чиқиши кўрсатилган карта рамкаси.

Картанинг ташқи рамкаси - картанинг бошқа барча рамкаларини чегаралайдиган, беағи учун хизмат қиладиган рамка.

Карташунослик - картографик фан бўлиб, у картографик асарларнинг моҳиятини, элементларини, турларини, уларда фойдаланилган усулларни ва картографиянинг тарихини ўрганади.

Картографик генерализация - картада тасвирланаётган объектларни картанинг мақсади ва масштаби ҳамда картага олинаётган соҳанинг хусусиятларига мос равишда танлаш (саралаш) ва умумлаштириш. «Генерализация» термини французча сўз «*generalisation*»дан келиб чиққан бўлиб, умумлаштириш, қайсики, ўз навбатида лотинча ясама (ҳосила) сўз «*generalis*» дан келиб чиққан бўлиб, “умумий”, “бош” деган маъноларни англатади.

Картографик информация - картографик асарларнинг кўринишида ифодаланадиган, улар тўғрисида маълумотга эга бўлган, уларни яратиш ва янгилаш учун керак бўладиган информация.

Картографиянинг предмети - табиат ва жамиятда содир бўлган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёнларни жойлашишини, хусусиятларини, ўзаро

боғлиқликларини ва алоқадорликларини ҳамда уларнинг вақт мобайнида ўзгаришларини карталар ва бошқа картографик моделлар воситасида акс эттириш ва тадқиқ этишдир.

Картографиянинг бошқа фанлар билан алоқаси - картография фалсафий, табиий ва техник фанлар мажмуи билан боғлиқ. Айниқса, у геодезия, топография ва география фанлари билан алоқадор. Ушбу фанлар, карталарда чин борлиқни аниқ ва ишончли тасвирлаш имкониятини беради.

Картографиянинг таркиби - карташунослик; математик картография; карталарни лойиҳалаштириш ва тузиш; карталарни жиҳозлаш; картографик ишлаб чиқаришнинг иқтисодиёти ва уни ташкил этиш ва б.

Компоновка - картада тасвирланадиган ҳудуднинг чегарасини аниқлаш ва уни карта рамкаларига нисбатан жойлаштириш, рамканинг ичида ва ундан ташқарида (асосий карта билан унинг рамкаси орасидаги бўш қолган жойларда) картанинг номини, масштабини, легендасини, ҳар хил рақамли ва матнли маълумотларни, жадвалларни, графикларни, қўшимча кесма карталарни ва бошқа шунга ўхшаш маълумотларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш.

Картографик проекциялар – геоид (“ерсимон”), эллипсоид ёки шар юзасини текисликда математик тўғри акс эттириш. Азимутал, цилиндрик, конуссимон проекциялардан кенг фойдаланилади. Қандай проекция бўлишидан қатъий назар географик карталарда хатоликлар кузатилади. Картада хатосиз тушган жойлар картанинг *бош масштаби*дир. Бу картанинг масштаби сифатида унда қайд қилинади. Хусусий масштаб эса картанинг хатолик тушган жойларига тегишлидир.

Картодиаграммалар усули - картада бирорта ҳодисанинг тақсимланишини маълум ҳудудий бўлиниш бирлиги ичида (кўпроқ маъмурий) жойлаштириладиган ва ҳодисанинг ҳар бир ҳудудий бирлик чегарасида жамланган (якуний. умумий) қийматини (миқдорини), айрим пайтда эса таркибини ёки динамикасини ифодаладиган диаграммалар ёрдамида (воситасида) тасвирлаш усулидир. Картодиаграммаларни кўргазмали таққослаш учун, масалан, саноат ялпи маҳсулотини унинг натурал ёки нарх қиймати ифодасида, майдонларнинг ўлчамини – ўрмон билан қопланганлик, ҳайдалганлик ва ҳ.к. фойдаланилади.

Мавзули карта - асосий мазмуни тасвирланадиган муайян мавзу билан белгиланадиган карта. Рельеф картасида асосий элемент рельеф бўлиб, у аҳоли пунктлари, йўллар ва бошқаларга қараганда анча аниқ ва мукаммал тасвирланади.

Масштаб – немисча “mab” – “ўлчов”, “stab” – “таёқ”, яъни ўлчакчўп маъносини англатади. Масштаб ҳақиқий чизик (масофа) узунлигининг географик карталарда неча марта қисқартирилганлигини англатадиган сондир. Амалиётда масштабнинг икки хилидан кенг фойдаланилади. Булар сонли ва чизикли масштаблардир. Масштабда ўлчов бирлиги сантиметрдир. Масалан, 1 : 200 000 бўлса 1 см да 2 км, 1 : 1000 000 бўлса 1 см да 10 км деганидир. Чизикли масштабда чизик см ларга ажратилади ва унинг миқдори рақамлар билан ифодаланади.

Географик карталар масштабига кўра одатда йирик масштабли (1:200000 гача), ўрта масштабли (1:200000 – 1:1000000) ва майда масштабли (1:1000000 дан кичик) гуруҳларга ажратилади.

Масштабсиз шартли белгилар билан контурларини карта масштабида кўрсатиш мумкин бўлмаган объектлар тасвирланади. Масалан, алоҳида турган, ориентир аҳамиятига эга бўлган дарахтлар, булок, қудуқ, тегирмон, завод ва фабрикалар, нефт ва газ қудуқлари, ёдгорликлар ва бошқа шу каби объектлар масштабсиз шартли белгилар билан кўрсатилади. Бунда объектларнинг ташқи кўриниши (қиёфаси) сақланмайди. Объектнинг жойдаги ўрни эса, одатда шартли белгининг марказига ёки тагига тўғри келади.

Майдонли шартли белгилар билан карта масштабида контурини сақлаб қолиш мумкин бўлган объектлар тасвирланади. Масалан, ўрмон, ботқоқлик, ўтлоқ, боғ, полиз, кўл ва бошқалар майдонли шартли белгилар билан кўрсатилади. Объектларнинг ташқи кўриниши (қиёфаси) сақланади. Уларнинг контурлари турли рангга бўялади ёки бошқа майдонли график воситалар билан тўлдирилади. Ботқоқ ва шўрхок ерларнинг контурлари ичига турли хил штрихлар чизилади. Аввал бу белгилар учун «контурли белгилар» ёки «масштабли белгилар» терминлари қўлланилган.

Маълум жойга тааллуқли диаграммалар усули маълум нуқталарга тўғри келтирилиб жойлаштирилган диаграммалар, узлуксиз ва чизикли тарқалган мавсумий ва бошқа даврий ҳодисаларни, уларнинг ривожланиши, миқдори, давом этиши,

қайталаниши ва бошқа дискрет тавсифлаш учун кенг ишлатилади. Одатий мавзулар: ҳароратнинг йил давомида ўзгариши, ойлар бўйича ёғин-сочин миқдорининг тақсимланиши, қор қопламининг динамикаси, дарёларнинг йиллик оқимининг ойлар бўйича тақсимланиши, шамолларнинг йўналиши ва кучи ва ш.к.

Миқдорли фон (ранг) усули билан карта (лар)да тасвирланаётган ҳудуд чегарасида (акваториясида) тасвирланаётган ҳодисани (объектни) у ёки бу маълум миқдор кўрсаткичи бўйича (асосида) уни қисмларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини майдонли график воситалар ёрдамида қоплаш ёки тўлдириш йўли билан ўша ҳодисани миқдор фарқлари тасвирланади. Ҳудудни (акваторияни) қисмларга бўлиш тасвирланаётган ҳодисанинг миқдор кўрсаткичлари билан узвий боғланган бўлади. Ушбу қисмлар орасидаги чегаралар акс эттирилади ҳодиса билан узвий боғланган белгилар бўйича ўтказилади ва ҳар бир қисм учун у ёки бу рақамли маълумотлар бўйича акс эттирилади ҳодисанинг миқдор тавсифи кўрсатилади. Шунингдек, бу усул дарё сувларининг оқим модулларини, тупроқлардаги ҳаракатчан азот, фосфор, калий формаларини ва миқдорини тавсифловчи карталарда ҳам кенг қўлланилади.

Нукталар усули билан картада ёйилиб (бўлиниб) жойлашган объектлар-(ҳодисалар) тасвирланаётган объектни бир хил миқдор бирликларида белгилайдиган ва унинг жойлашиши ва тўпланишига мос жойлаштириладиган бир хил ўлчамдаги кўпчилик нукталар билан тасвирланади. Картага олишдан олдин нуктанинг “оғир” лиги аниқланади, битта нукта қайси ўлчамдаги миқдор кўрсаткичига мос келади (масалан, битта нукта 500 кишига ёки 10 000 гектар шоли экин майдонига тўғри келади). Картада нукталарни объектнинг ёки ҳодисанинг ҳақиқий жойлашишини энг яхши акс эттирадиган қилиб жойлаштирилади. Айрим ҳолларда битта картада иккита ўлчамдаги нукта берилади, масалан, йирик нукта 1000 киши, кичик нукта эса 100 киши. Нукталар усули тасвирланаётган ҳудуд чегарасида объект ёки ҳодисанинг тарқалиши тўғрисида кўргазмали тасаввур беради. Нуктанинг “оғир”лиги унинг миқдори, ранги эса сифат тавсифини аниқлашга имкон беради. Бу, айниқса, контраст (кескин фарқ қилиб) жойлашган ҳодисалар учун самарали усул ҳисобланади. Нукталар картага иккита усул билан, яъни географик ва статистик усул билан

қўйилади. Географик усулда ҳодисанинг географик жойланиши (тарқалиши) ҳисобга олинади.

Сифатли фон (ранг) усули билан карта (лар)да тасвирланаётган ҳудуднинг чегарасида (акваториясида) тасвирланаётган ҳодисани (объектни) у ёки бу маълум сифат белгиси бўйича (асосида) қисмларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини майдонли график воситалар ёрдамида қоплаш ёки тўлдириш йўли билан ўша ҳодисанинг сифат фарқлари тасвирланади. Ҳудудни (акваторияни) қисмларга бўлиш тасвирланаётган ҳодисани сифат кўрсаткичлари билан узвий боғланган бўлади. Масалан, тупроқ карталарида ушбу қисмлар орасидаги чегара қаерда битта тупроқ типи (кичик типи, тури) бошқаси билан алмашинса, ўша ерда ўтказилади (26-расм). Сўнгра битта типдаги қисмлар қабул қилинган рангга бўялади ёки штрихланади. Шунингдек бу усул ҳар хил районлаштириш карталарида (масалан, табиий-географик, иқтисодий-географик, тупроқ-иқлим ва ҳ.к.), ҳалқлар, геологик, ботаник карталарда асосий усул сифатида қўлланилади.

Топография - ёки қуйи геодезия, план ёки картага тушириш учун ер юзасини ўлчовчи амалий фан. Топография қуйидаги асосий методлардан фойдаланади: кўз билан чамалаб план олиш, угломер (бурчак ўлчайдиган асбоб) билан план олиш, мензуль билан план олиш, тахеометрия ёки дальномер билан план олиш. Тоғли жойларда фотограмметрия қўлланилади. Кейинги вақтларда аэропланларда туриб плап олиш кенг қўлланилмоқда, буни **аэрофотосъемка** ёки **аэрограмметрия** дейилади.

Топографик карталар (юнонча *“топос”* - “жой”, *“графо”* - “ёзаман”) - 1:5000 дан 1:200000 гача бўлган йирик масштабдаги карталар. Топографик карталарда жойдаги предметлар аниқ ва муфассал тасвирланади; турли объектлар махсус белгилар билан, рельеф эса горизонталлар билан кўрсатилади. Карта рамкасининг ўнг ва чап чеккалари меридианларнинг йўналишига тўғри келади. Топографик карталардан халқ хўжалигида ва мамлакат муҳофаази мақсадларида фойдаланилади.

Чизиқли белгилар усули - алоҳида тасвирлаш усули сифатида узунасига давом этган, кенглиги карта масштабида ифодаланмайдиган, чизиқ бўйлаб жойлашган объектларни тасвирлаш учун қўлланилади. Масалан, сувайирғич чизиқлари,

сиёсий ва маъмурий чегаралар, йўллар, телефон ва телеграф линиялари, дарё, кўл ва денгизларнинг қирғоқ чизиқлари, фронт чизиқлари, улар ҳолатининг ўзгариши ва бошқа объектларнинг асосий йўналишлари (альп бурмаланишининг асосий йўналишлари, рельефни скелет чизиқлари ва ҳоказо) тасвирланади

Харфли белгилар – бу тасвирланаётган объект ёки ҳодиса номининг битта ёки иккита бошланғич харфларидир. Масалан, темир ва фосфор рудалари учун Fe ва P.

Ҳаракатдаги белгилар усули алоҳида тасвирлаш усули сифатида карта (лар)да ҳар хил: ҳам табиий, ҳам социал-иқтисодий ҳодисаларга тегишли фазовий ўрин алмашилишларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан, денгиз оқимлари, қушларнинг кўчиб юриши, саёҳатларнинг маршрути, аҳоли миграциялари, юк ташишлар ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Географический энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1988.- 432 стр.


2. Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 144.

3. Краткая географическая энциклопедия. Том-5, - Москва: Советская энциклопедия, 1966. - 544 стр.

**1:25 000, 1:50 000 ВА 1:100 000 МАСШТАБЛИ
КАРТАЛАРНИНГ ШАРТЛИ БЕЛГИЛАРИ**



а




б

Аҳолиси 50000 дан ортиқ (а) ва аҳолиси 50000 дан кам (б) бўлган аҳоли манзилгоҳлари



Қишлоқ типдаги аҳоли манзилгоҳлари





Тартибсиз қурилган аҳоли манзилгоҳлари



Тартибли қурилган аҳоли манзилгоҳлари




Ўтга чидамли бинолар







Ўтга чидамсиз бинолар










Қурилиши тугалланмаган бинолар










Завод ва фабрикалар мўрилари





		Нефть ва газ қудуқлари (вышка)
		Шамол двигателлари
		Сув тегирмони





		Очиқ усулда қазиб олинган фойдали қазилма конлари 1) карта масштабида ифодаланадиган; 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
		Фойдаланилаётган кон ва ер ости йўллари
		Ташландиқ кон ва ер ости йўллари
		Электростанциялар 1) карта масштабида ифодаланадиган; 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
		Минорасиз нефть ва газ қудуқлари
		1) аэродром ва гидроаэродром; 2) қўниш майдони (қуруқликда ва сувда)
		Метеорологик станция








	Баландлиги 1 метрдан баланд бўлган ёдгорлик, монумент, тош ҳайкаллар
	Ўрмончининг уйи
	Ибодатхона (черков)
	Кичик ибодатхона (часовня)
	Масжид
	Буддавийлик монастри
	Қабристон 1) карта масштабида ифодаланадиган; 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
	Дарахтли қабристон 1) карта масштабида ифодаланадиган; 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
	Алоқа симлари (телефон, телеграф, радиоалоқа)
	Қадимий тарихий девор (5—девор баландлиги, метр)
	Тошли, ғиштли девор ва метал тўсик
	Астрономик пунктлар
	Шоҳ йўл (автострада): 8—бир йўлининг кенглиги, метр, 2—қатнов йўлининг сони, Ц—қоплам хомашёси (Ц—цемент бетон, А—асфальтбетон); кўтарилма (4—кўтарилма баландлиги, метр)








	Такомиллаштирилган шоҳ йўл (шоссе): 8—қоплама қисмининг кенглиги; 10—йўлнинг умумий кенглиги, метрда, А—қоплама хомашёси (А—асфальт бетон, Ц—цемент бетон, Бр—брусчатка, Кл—клинкер), ковланган жой (5—ковланган жой чуқурлиги, метрда)
	Шоссе: 5—қоплама қисмининг кенглиги; 8— йўлнинг умумий кенглиги, метрда; Б— қоплама хомашёси (Ч—чағиртош, Т — тош)
	Яхшиланган тупроқ йўллари (8— катнов қисмининг кенглиги, метр) ва йўлнинг ўтиш қийин бўлган қисми
	Дала ва ўрмон йўллари
	Осма қувур
	Икки қаватли кўприк: 1) темир йўл остидаги йўл; 2) темир йўл устидаги йўл
	Доимий ва аниқ қирғоқ чизиғига эга бўлган кўллар
	Вақтинча қуриб қоладиган дарё ва кўллар қирғоқлари
	Икки чизиқ билан тасвирланадиган дарё ва каналлар: кенгили 5 м дан ортиқ бўлган дарёлар (карта масштаби 1:25000 ва 1:50 000), 10м ва катта (карта масштаби 1:100 000)
	Кема қатнайдиган дарёлар (ёзуви)







	Кема қатнамайдиган дарёлар (ёзуви)
	Канал: кенглиги 10 м да 15м гача 1:35000 масштабни карталарда; 30м гача 1:50000 масштабни карталарда; 60м гача 1:100000 масштабни карталарда
	Қурилатган канал
	Дамбали дарё, канал ва тўғон, бир ва икки томонлама
	Сув сатҳидан баландлиги Тил (стрелка) – дарё оқимининг йўналиши (0,2—оқим тезлиги м/сек) Дарё ва каналлар тавсифи: 170— кенглиги, 1,7— чуқурлиги метрда, П— сув ости жинслари (П—қумли, Т— қаттиқ, В—ёпишқоқ, К—тошли) Кечув: 1,2—чуқурлиги, 180— кенглиги метрда, Т—сув ости жинслари, 0,5—оқим тезлиги м/сек Юк ташув Ясси кема (паром): 195—дарё кенглиги; 4x3—ясси кема кенглиги, метрда; 8—юк кўтариш қуввати, тонна

	Сузувчи кўприк Икки қаватли тошли ва темир бетонли кўприк Занжирли ва арқонли кўприк
К8 $\frac{370-10}{60}$	Кўприк ҳақида тавсиф: К — қурилиш хомашёси (Т — тош, М — металл, ТБ — темирбетон, Ё — ёғоч); 8 — сув юзасидан баландлиги (кема қатновига эга дарёларда); 370 — кўприкнинг узунлиги, 10 — кўприкнинг қатнов қисми кенглиги, 60 — юк кўтариш қуввати, тонна
	Узунлиги 3 метр ва ортиқ бўлган кўприклар Кичик тўсиқлардан ўтган кўприклар (узунлиги 3 м ва кам)
	Ер усти сув қувурлари
	Ер ости сув қувурлари
	Ишлаб турган коризлар
	Ташландиқ коризлар
51,1  гл. 25 м наполн. 20 л/час	Чўл ва даштлардаги бош қудуқлар: 51,1 - ер юзасининг мутлақ баландлиги, 25—қудуқ чуқурлиги, метр, 20—сув йиғилиш ҳажми, литр/соат
	Қудуқлар
 1  2	Қудуқлар: (1-шамол двигателли; 2-механик усул билан сувни юқорига кўтарувчи бетонлаштирилган қудуқ)

	Чиғир (сувни кўтариб берувчи қурилма)
	Сув омборлари ва қоқлар, карта масштабида ифодаланмайдиган
 1  2 <i>серн.</i>	1) манбалар (чашма, булок); 2) жиҳозланган манбалар
	Гейзер
	Горизонталлар
	100-горизонталлар ёзуви метрларда Қиялик йўналиши кўрсаткичлари (бергштрихлар)
	Жарлар ва ювилма ўйиқлар: (1- кенглиги карта масштабида 1мм дан катта; 2- кенглиги карта масштабида 1мм дан кичик)
 1  2	Тепаликлар: 1) карта масштабида ифодаланмайдиган (5— баландлиги метр); 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
 1  2	Чуқурликлар: 1) карта масштабида ифодаланмайдиган (5—чуқурлиги, метр); 2) карта масштабида ифодаланмайдиган
	Игна баргли ўрмон (қора қарағай, оқ қарағай, қарағай, кедр ва бошқ.)
	Кенг баргли ўрмон (эман, қора қайин, заранг, оқ қайин ва бошқ.)

	Аралаш ўрмон
	Дарахтлар тавсифи, метрда: суратда— дарахтнинг баландлиги, махражда—кенглиги (диаметри), касрдар ўнгда—дарахтлар орасидаги масофа
	Ўрмон кўчатзорлари (2- дарахтларнинг ўртача баландлиги, м да)
	Довулда синган дарахтлар
	1) ёнган ва қуриган ўрмон 2) кесилган ўрмон
	Бугазор: 1) алоҳида бута; 2) бугазор
	Саксовул: 1) алоҳида саксовул; 2) саксовулзор
	Мевали боғ

	Узумзорлар
	1) шоли даласи; 2) шоли даласи, доимий сув билан қопланган
	1) ўтлоқ (1 м дан паст), 2) баланд бўйли ўсимликлар
	Қамишзор
	Ўтиб бўлмайдиган ва ўтиш қийин бўлган ботқоқ (1,8—ботқоқ чуқурлиги, метр) Растительный покров болот: Ўсимлик қоплами: 1) ўтлоқ; 2) мохли; 3) қамишли
	Ўтиб бўладиган ботқоқ (0,6—ботқоқ чуқурлиги, метр) Ўсимлик қоплами: 1) ўтлоқ; 2) мохли; 3) қамишли
	Ўтиб бўлмайдиган шўрхок (мокрые и пухлые)
	Ўтиб бўладиган шўрхок
	Тақирлар: 1) карта масштабада ифодаланадиган; 2) карта масштабада ифодаланмайдиган

	1) карта масштабида ифодаланмайдиган дўнг қумлар 2) дўнгчали юзалар.
	Текис қумлар
	Дўнг қумлар
	Жўякли ва барханли қумлар
	Жўякли ва барханли қумлар
	Барханли қумлар

УСТОЗ КАРТОГРАФЛАР БУХОРОДА!

I. ТУРҒУНБОЙ МИРЗАЛИЕВ ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФЛАРИНИНГ ОТАХОНИ!



Ўзининг ибратли ҳаёти, ижоди, инсонийлик сифатлари билан касбдошлари, ҳамюртлари орасида ҳурмат ва эъзозда бўлган инсонлар ҳақида билгинг, эшитгинг келади. Устоз Турғунбой Мирзалиев 1932 йилнинг 19 сентябрида Тошкент шаҳрига яқин бўлган Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1948 йилда ўрта мактабни, 1954 йилда эса Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни аъло баҳолар билан тамомлаганлар. Дастлабки йилларда Ўрта Осиё агрогеодезия корхонасида инженер-картограф бўлиб ишлаганлар.

У кишининг фаолияти 1959 йилдан бошлаб олий таълим даргоҳлари билан боғланади. Олим 1961-1964 йилларда Москвада картография соҳаси бўйича аспирантурада ўқиб, 1966 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ёш олимнинг кейинги ижодий фаолияти ЎзМУ, 1987-1996 йилларда эса Ўзбекистон ФА география бўлими билан боғланади. Т.Мирзалиевнинг ташаббуси ва самарали меҳнати (масъул муҳаррирлиги) туфайли Ўзбекистоннинг 2 жилдли (1982, 1985) комплекс атласи яратилган. Ундан сўнг “Пахтачилик”, Тиббий география, 1984 йилда эса Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган географик атласлар яратилди. 1995 йилдан бошлаб устоз яна кадрдон ЎзМУнинг география факультетига қайтдилар ва 1997 йилда докторлик диссертациясини яқунладилар.

Устоз ижодий фаолиятининг серҳосиллиги эътиборга лойиқ. Олим 300 дан ортиқ илмий мақола, рисола монография, ўқув қўлланмалар, картографик асарлар муаллифидир. Т.Мирзалиев раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари олимлик мақомига эга бўлдилар. Турғунбой Мирзалиев тиниб-тинчимас, ташаббускор олим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий атласини яратиш тараддудида юрибдилар. Илмий изланишларни педагогик фаолият билан боғлаган ҳолда ёш мутахасисларни қатъий

интизомга, илмга даъват этиб юрган бу хокисор, камтарин устозга мустаҳкам соғлик тилаб, шогирдлари ва фарзандлари ардоғида қувониб юришларини истаб қоламиз.

□ □ □

“АТЛАС ОЛИБ КЕЛДИМ!”

Ҳурматли устоз Турғунбой ака билан географик карта ва атласлар ҳақида бир неча бор суҳбатлар қурганмиз. Шулардан бири, домланинг уйларида меҳмон бўлганимизда юз берган эди.

1972 йилда Москвада ўқиб юрган кезларда Тошкентга қайтиш олдидан Москвадаги “қушлар бозори”га бордим, дея сўзлай кетдилар устоз. Бозорда сотиладиган қушлар шунчалик кўп эдики, қушларнинг сайрашидан завқланиб кетдим. Бир вақт кўзим каттакон атласга тушди. Бу дунёнинг катта совет атласи (БСАМ)нинг 1-жилди экан. Сўрасам, эгаси атласнинг баҳосини 80 сўм, деди. Атлас ёнидан кета олмадим. Савдосини чиқариб, 50 сўмга сотиб олдим. Эртасига самолётда учиб, Тошкентга келиб тушдим. Тошкентда кўп қаватли уйда яшар эдик. Икки қиз, икки ўғлим, аёлим қувониб кутиб олдилар. Қизларим, ада, бу нима, бунча оғир, деб нарсаларни таксидан олишга талпиндилар. “Қизларим! Атлас олиб келдим”, деганимни биламан, улар катта ўралган нарсани қувониб, шошилиб уйга олиб кирдилар. “Совға” ўралган иплар тугунларини очишга тоқат қилмай, уларни қайчи билан қийиб очганларида хонатлас ўрнида каттакон географик атласга кўзлари тушади. Шунда тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, қовоқлари осилиб хонадан чиқиб кетдилар. Шундан сўнг қизларим, аёлим менга совға учун пул бермайдиган бўлишди. Бу атлас – дунёнинг катта совет атласи (БСАМ)нинг 1-жилди эди. У 1937 йилда Москвада чоп этилган. Бу нодир асар бўлиб, жуда кам сонли, Ўзбекистонда атиги 3-4 нусхада бор, холос. Улардан бирининг эгаси мен бўлганимдан хурсанд эдим. Бу атласнинг 2-жилди 1939-1940 йилларда нашрдан чиққан.

1941 йилда немислар Москвага яқинлашиб қолганда картография фабрикасини Шарққа кўчириш учун буйруқ берилади. Лекин кўчиришга имкон бўлмаган, бир вагонга юк бўладиган 2-жилд атласларнинг ҳаммасини фабрика директори йиғлаб-йиғлаб корхона ҳовлисига кўмдиради.

Атласнинг дунё тарихига бағишланган 3-жилди эса уруш туфайли чоп этилмай қолган”. Ушбу суҳбатни мен - И.Назаров,

хоразмлик шогирдлари Саттор Авезов, қашқадарёлик географ Шавкат Полвоновлар ҳаяжону, афсусланган ҳолда тингладик. Домланинг ўғит, маслаҳатнамо суҳбатлари алла маҳалгача давом этди. Уйдаги саришта-саранжомлик, кишининг ҳаваси келадиган қайнота-келин, ота-ўғил муносабатлари, самимий меҳмондорчиликдан баҳраманд бўлиб, эрталаб уй бекалари билан хайрлашдик ва устоз билан унча узоқ бўлмаган ЎзМУга пиёда, яна суҳбатлашиб етиб келдик. Талабалар шаҳарчаси, профессорлар мавзесида жойлашган Нозимахоним кўчасининг 6-берк кўчасида жойлашган 30-уй эгаларининг нафақат бизлар, балки Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан азим Тошкент шаҳрига келиб кетадиган сон-саноксиз географ-олимларга мезбонлик қилганликларига яна бир марта гувоҳи бўлдик. Китоби бор уйдан нур таралади, деган ҳикмат бор. Профессори бор уйдан-чи? Албатта, янада ёрқинроқ нур таралади ва яқин атрофни илм, меҳр нурига тўлдиради. Нозимахоним кўчасидаги бу хонадон шундай уйлардан биридир.

□□□

Устоз Т.Мирзалиев ҳар доим Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига ўзгача меҳр билан муносабат билдирар, уларнинг тарихий-маърифий салоҳиятининг картографик тасвирини яратишга интилар эдилар. Устоз Турғунбой Мирзалиев томонидан 28.12.2006 йилда Бухоро географлари номига юборилган қуйидаги хат бунинг бешак исботидир.

Ассалому алайкум Исроилжон!

Қўшалоқ байрамлар билан табриклайман. Сизга, оилангизга ва ёру-биродарларга сиҳат-саломатлик ва ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Исроилжон! Шу хатни сизга олиб борувчи йигитимиз бухоролик. Президент маҳкамасида, фан бўлимининг бошлиғи Азиз Ворисов топириғи билан “Таълим маркази” орқали 3 та вилоятнинг “Ўқув ўлкашунослик атласи”ни яратиш тараддудини кўраямиз. Шунинг учун Сиздан илтимос, Бухоро вилояти ва унинг туманларига тегишли статистик маълумотларни олишга ва вилоят табиий карталарини тузишга ўзингиз бош бўлиб, кафедрадошларни жалб қилсангиз. Бу иш Сизнинг кафедра номидан кетади. Ҳурмат ва илтимос билан Турғунбой Мирзалиев

Имзо 28.12.2006 йил

Домланинг бу орзуси 2014 йилдагина бошқачароқ тарзда “Ўлкашунослик атласи. Бухоро вилояти” (58 бет) номи билан рўёбга чиқди.

□ □ □

Профессор Турғунбой Мирзалиев бағрикенг, улуг инсоний фазилатлар соҳибидир. Меҳр-оқибатли бўлиш устоз шахсига хос бўлган буюк туйғудир.

2006 йилнинг 30-31 январь кунлари биринчи ўзбек географ олими, география фанлари номзоди (1944), доцент (1945) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультетини 23 йил давомида (1945-1968) бошқарган Нўъмон Долимов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуманнинг ялпи мажлисида Т.Мирзалиев кўпгина ўзбек зиёлилари учун қийин бўлган собиқ Иттифок – мустабид даврида салкам чорак аср давомида факультет декани лавозимида ишлаган ва миллий кадрларнинг униб-ўсишига раҳнамолик қилган устозлари ва ҳамкасблари Нўъмон Долимовнинг беназир хизматларини эслаб кўзларидан қатор-қатор ўкинч ёшлари томганининг гувоҳи бўлганман. География фани бўйича ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида ёш географ олимларга домланинг оталарча панд-насихат ва истакларини кўп бора эшитганман. Устозга дунё тургунча бор бўлинг, деймиз, сизга шогирдлар таъзими, борингизга шукур!

□ □ □

УСТОЗ ТУРГУНБОЙ МИРЗАЛИЕВ БУХОРОДА

Бухоро давлат университетига (аввалги педагогика институти) география мутахасислиги бўйича талабгорларни қабул қилиш, сиртки бўлимда 1965, кундузги бўлимда эса 1966 йилдан бошланган. Географияга тегишли фанлар табиатшунослик факультети таркибидаги “Қишлоқ хўжалиги асослари”, кейинчалик “Қишлоқ хўжалиги асослари ва география” кафедраси таркибида

бўлган. География кафедраси 1979 йилнинг сентябрь ойида ташкил қилинган. Мен (И.Назаров) 1982 йилда кафедра мудири лавозимида сайланганимда кафедра аъзолари орасида мендан ташқари фақат иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси унвонига эга бўлган Ю.Саломов (1937-2004) бор эди, холос. 1990 йилга келиб У.Нуров номзодлик унвонига эга бўлди.

Рақобатдош, юқори малакали географ-кадрлар тайёрлаш, кафедра ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини юксалтириш давр талаби эди. Шу мақсадларни кўзлаб 1995 йилда ЎзМУнинг география факультети билан БухДУ география кафедраси ўртасида “ўзаро илмий-педагогик ҳамкорлик шартномаси” имзоланди. Натижада 1996 йилдан бошлаб айрим фан ва махсус курслардан дарс ўтиш мақсадида ЎзМУ география факультетининг етук олим, мутахассислари БухДУнинг географ-талабаларига дарс ўта бошладилар. Бу анъана 2010 йил охиригача узлуксиз давом этиб келди. 2001 йилда мен устоз Турғунбой акани Бухорога “Топография асослари ва картография” фанининг маъруза қисмини ўқишга таклиф қилдим. Бу таклифни домла жуда миннатдорчилик билан қабул қилдилар-да, “Насиб этса, Бухорони зиёрат қиламиз”, - дедилар. Мен кафедрадаги нивелир, теодолит каби геодезик асбобларнинг камлиги, иложи бўлса, бу борада бироз кўмак беришларини сўрадим. Ўша даврда устоз “Картография ва кадастр” кафедрасини бошқарар эдилар.

Нихоят устозни 2001 йилнинг 7 май куни, аёллари Ҳуринисо ая билан Когон темир йўл станциясида кутиб олдик. Устоз ўзлари билан 1 та кипригел, 1 та нивелир, 1 та теодолит (тўлиқ жамланмаси билан) олиб келганларини, йўлда бир қатор назоратчилар сўроқларига дуч келиб қийналганларини кейинроқ гапириб бердилар.

Устознинг 2001 йил 14 май учинчи жуфтликда қилган маърузалари географик тадқиқотларда картографик усулнинг аҳамиятига бағишланди. Мавжуд ахборотларнинг 70 фоизини карта орқали изоҳлаш мумкин, фақат унинг калитини, турли хил усул, шартли белгиларини топиш керак. Карта жараён, воқеаларни тасвирлашнинг энг таъсирчан ва самарали усулларида биридир, деб таъкидладилар устоз.

Ҳар куни тушдан сўнг кафедра ўқитувчилари, талабалари билан турли мавзуда суҳбатлар ўтказар, уларга жуда фойдали

маслаҳатлар берар эдилар. 2001 йил 9 майда устоз Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) зиёртгоҳида, 13 май куни эса Ҳазрат Баҳоуддиннинг устози Ҳазрат Саййид Мир Кулол зиёратгоҳида бўлдилар.

14 май куни мен устоз билан Ҳуринисо аяни уйга таклиф қилиб, “қайси овқатни хуш кўрасиз?”- деганимда, “Мастава, мастава”,- дедилар. Эҳ! Жуда “арзон” меҳмондасиз! Ўзи ҳар куни Сизни меҳмонга чақириш керак экан, деб қўйдим.

15 май кечкурун кафедранинг барча аъзолари устозни Когон темир йўл вокзалидан, раҳматлар айтиб узатиб қўйдик. “Устоз отангдек улуғ”, “Илм ва одоб эгизак”, - деган ҳикматлар бор. Устознинг ўта камтаринлиги, оддийлиги, самимийлиги, Ҳуринисо ая билан ширин муносабатлари, исломий маданиятлари бизга ибрат, сабоқ мактаби бўлди. Устоз билан ўтган 9 кун бухоролик географлар ҳаётида энг фойдали ва хайрли лаҳзалар сифатида қалбимизда муҳрланиб қолди.

Т.Мирзалиев Бухорода бўлмасалар ҳам у киши олиб келган геодезик асбоблар талабалар учун ханузгача хизмат қилиб келмоқда. Устоз – домлага беминнат илтифот ва хизматлари учун бухороликлар номидан чинакам соғлиқ тилаб, миннатдорлик билдириб қоламиз.

II. КАРТОГРАФ ОЛИМ АСОМБЕРДИ ЭГАМБЕРДИЕВ БУХОРОЛИК ГЕОГРАФЛАР МЕҲМОНИ



Юқорида қайд қилинганидек, Бухоро давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети география факультети ўртасида 1995 йил имзоланган илмий-педагогик ҳамкорлик шартномасига биноан, 1996 йилдан бошлаб бирқатор ЎзМУнинг олимлари БухДУнинг географ талабаларига махсус фан ва курсларда маъруза ўқиш учун кела бошладилар. Профессорлардан Т.Мирзалиев, А.А.Рафиқов (1939-2003), А.С.Солиев, Ф.Ҳикматов, доцентлардан А.Соатов (1943-2005), А.Ҳасанов, А.Эгамбердиев, М.Миракмалов, Д.Айтбоевлар шулар жумласидандир.

Булар орасида доцент Асомберди Эгамбердиев ўзининг Бухоро шахрига, географ талабаларга бўлган самимий садоқати, дилкашлиги ва хушфеллиги билан ажралиб турар эди. Ўрта бўйли, буғдойранг, ихчам қоматли тошкентлик бу домланинг қўлида доимо жигарранг дипломат бўларди. “Топография асослари ва картография” фанидан дарсга кирганда аудитория столи устида дипломат тартиб билан оҳиста қўйилар, шундан сўнг талабалар билан саломлашиш бўларди. дипломат очилганда домланинг картограф эканлиги ошкор бўлиб қоларди. Дипломат ичида картографга керакли бўлган барча қурол - анжомлар шундай қатъий тартибда жойлаштирилган эдики, картография дарсида талабалар нималарни олиб келиши кераклигини айтишга ҳожат йўқ эди. Учи ўқдек чиқарилган турли ранг ва қаттиқликка эга бўлган қаламлардан тартиб, карта ўлчагич асбобларигача бўлган ўқув анжомлари домланинг нозик диди ва ўз касбига бўлган садоқатини англашиб турар эди.

Асомберди домла Бухорога Ўзбекистон Миллий университети мухитини олиб келди, десак тўғри бўлади. Юксак маданият ва педагогик маҳорат ҳар бир талаба, касбдошга алоҳида дилкаш муомала у кишининг шахси учун хос эди. Сал ўтмасдан тошкентлик домла бухоролик талаба ҳамда ўқитувчиларнинг ҳурмат ва эътирофини қозонишга улгурдилар. Талабалар, касбдошлар билан олиб борилган маърифий суҳбатлар, ўринли маслаҳатлар бу кишига нисбатан самимий ҳурмат туйғусини уйғотарди. Охир оқибат, Асомберди домла университетнинг оддий хизматчилари (Муҳиддин бобо) ва раҳбарларининг ҳурматли биродарига айланиб қолди. Ҳар кўрганда “тошкентлик домла келмадиларми?”, - деб сўрайдиган кишилар сони кўпая борди.

Асомберди Эгамбердиевни ҳар йилнинг баҳор ойларида кутиб олишга одатлангандик. Бу жараён 15 йил (1996-2010) давом этди. Зарур ишлари бўлишига қарамасдан ўз ваъдаларига қатъий садоқатли бўлдилар. Бир сўз билан айтганда география кафедрасининг ҳақиқий аъзосига айландилар. Кафедрани ўқув жихозлари билан бойитишда домланинг хизматлари катта бўлди. Кафедра юздан ортиқ янги ўқув атласлари, мавзули карталар билан бойиди. Талабаларнинг, ўқитувчиларнинг илмий изланишларга рағбати ортди. Кафедра аъзолари, талабалар томонидан тайёрланган илмий мақолаларнинг Тошкент нашрларида чоп

этилиши учун имкониятлар яхшиланди. Номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган Х.Тошев (2008), А.Мавлонов (2010) каби бухоролик изланувчилар домланинг фойдали маслахатларидан баҳраманд бўлдилар.

Асомберди домла ҳар келганларида Бухоронинг ўзига хос табиати, тарихий обидалари, муқаддас зиёратгоҳларини ўрганишга, улардан баҳраманд бўлишга иштиёқлари баланд эди. Қоровулбозор сардобалари, лолақизғалдоқларга бурканган чўллари, сўлим Тўдакўл сув омбори соҳиллари, “Жайрон” экомаркази, Ромитан кишлоқлари, Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳлари, Бухоро шаҳрининг нодир архитектура обидалари домланинг маънавий мулкини бойитди.

Хуллас, 15 йил давомида ЎЗМУ географ олимлари, айниқса, “географ-картограф”, доцент Асомберди Эгамбердиев билан баҳор ойларида ўтган кунлар биз бухоролик географлар учун мазмунли ва ширин хотира бўлиб қолди.

□ □ □

Асомберди Эгамбердиев 1948 йили 29 мартда Тошкент шаҳрининг Қорақамиш воҳасида туғилган. У киши 1971 йилда ЎЗМУ география факультетининг “географ-картограф” мутахассислиги бўлимини имтиёзли диплом билан тугатган ва шу ерда ишга қолдирилган.

Илмий изланишлар самараси ўлароқ ёш тадқиқотчи-педагог 1983 йилда профессор И.Ю.Левицкий ва тошкентлик устози Т.Мирзаалиев раҳбарлигида Украина Республикаси Фанлар Академиясининг География институтида “Атласное картографирование хлопководство (на примере Республики Узбекистан)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шундан сўнг А. Эгамбердиевнинг илмий педагогик фаолиятида янгича давр бошланади. “Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг”, деганларидек Асомберди домладаги ишга бўлган масъулият талаба ва касбдошларига нисбатан дилкашлик, кези келганда эса қатъиятлик борган сари у кишининг иқболига айлана борди.

Кўп ўтмасдан география факультети деканининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, кейинчалик эса Ўзбекистон география

жамиятининг масъул котиби этиб сайланади. Касбим - омадим деганларидек факультетнинг учинчи каватидаги 307 хона чинакамига илмхона ва қабулхонага айланади. Бир лаҳзада қўлингизга бир пиёла қайноқ чой, битта оқ канд ва бир оғиз ҳазиломуз сўз сизга ҳавола қилинади. Бир зумда “мушкулингиз” осон бўлади. Сал вақт ўтмасдан эса ёзган мақолангиз география жамиятининг ахборотлари ва илмий тўпламларда масъул котиб ва устозлар “тегирмонидан” ўтиб, “янги либосда” кўз олдингизда намоён бўлади.

А.Эгамбердиевнинг ташкилотчилик ва педагогик фаолияти илмий изланишлар билан уйғунлашиб кетган. Ҳозирги кунга қадар домланинг 200 дан ортиқ илмий мақола, рисола, ўқув қўлланма ва мазмунли карталари чоп этилган. “Социал ва иқтисодий картография” (1989), “Картография” (2000, 2003), “Карташунослик” (2010), “Ўзбекистонда комплекс картага олиш: унинг ривожланиши ҳолати, истиқболлари, муаммолари” (2011), “Ўзбекистон Миллий атласи: моҳияти, таркиби ва мазмуни”(2013) кабилар шулар жумласидандир. Домланинг илмий фаолият доираси кенг қамровли бўлиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги картографияси ва атлас карташунослиги муаммоларига бағишланган. Кейинги йилларда олим ўзининг устозлари ва кафедрадошлари билан Ўзбекистон Миллий атласини яратиш буйича самарали иш олиб бормокда.

А.Эгамбердиев - болажон инсон. Ҳаёт йўлдошлари Муаттар ая билан беш фарзанд: Дилором, Баҳодир, Дилбар, Ботир ва Жаҳонгирларни вояга етказганлар. Бугунги кунда эса уларнинг ҳар бирида учтадан, жами 15 та ширин невараларнинг сеvimли бобоси бўлиб, уларнинг ардоғида яшаб ижод қилиб келмоқдалар.

Хулоса ўрнида қайд қилгимиз келадики, А.Эгамбердиев каби ЎзМУ географ олимларининг ўн беш йил давомида БухДУга ташрифи ва улар томонидан берилган таълим, илмий маслаҳат ва кўрсатилган хайрихоҳликлар туфайли Бухорода география фани янги босқичга кўтарилди ва унинг ижобий натижалари тобора намоён бўлмоқда. Биз эса А.Эгамбердиев ва унинг Бухорога ташриф буюрган касбдошларига мустаҳкам соғлиқ, иш ва ҳаётларида эса янги омадлар тилаб қоламиз.

ҚАТРА ЛАВҲАЛАР

1. Асомберди домла Бухорода ишлатиладиган кўпгина маҳаллий - жайдари сўзларни мириқиб тинглаб, завқланар эдилар. “Салдарамни сақланг” (Оч бўлсанг ҳам тўқдек ўтир, тўқ бўлсанг агар тўқликка шўхлик қилма дегани), “қочирма” (ваъдангда тур, паст кетма дегани), “тарашадек қотманг”, “тутун қайтарманг”, “аввал худойи расул, сўнгра ғамзаи усул” (аввал меҳнат, тўғри йўл, сўнгра дам олиш, базм, шўхлик), “оби пуфак” (минерал сув), “оби китик” (шароб - ичимлик), “юмронни (юмронқозик) уяси”, “туя изи”, “эчки изи”, “илонбош”, “саватбош” каби сўзлар Асомберди аканинг мулоқот мулкига айланди ва мавриди келганда: сўзлашганда, телефонда, хат ёзганда бу “қанотли” сўзлар ўзимизга қайтиб келадиган бўлди.

□ □ □

Тошкентдан домлалар Бухорога келганида ёру-дўстлар, айрим шогирдларимиз уларни “чойга” (меҳмонликка) таклиф қилар эдилар. Кунлардан бир куни, яъни 1999 йилнинг 8 апрель куни географ шогирдларимиздан, ўша пайтда Когон тумани халқ таълими бошлиғи бўлиб ишлаб турган Зубайдулла Абдуллаев чойга, Қоровулбозорга баррахўрликка таклиф қилди (чўл зонасида баҳорда туғилган кўзилар қорақўлтериси учун сўйилади, гўшти эса истеъмол қилинади, ортиқчаси бозорда сотилади. Чўл зонасида яшовчи айрим кишилар шу боисдан баҳор ойларида воҳаларидан узоқ чўл яйловзорларга чиқиб баррахўрлик қиладилар). Шогирдимиз таклифидан мамнун бўлиб, баррахўрликка Абдурасул Соатов (1943-2005), Асомберди Эгамбердиев ва мен (И.Назаров) борадиган бўлдик. 3.Абдуллаев бизларни Қоровулбозорга Бўзачи қишлоғидаги ўрта мактаб директори Гулнора Нарзиеванинг уйига олиб борди (70 км). Бу ерда бироз ўтиргандан сўнг чўлга, Қоровулбозордан 30 км жанубда Кемачи қудигига яқин жойлашган қўшга (чўпонлар ўтовига) олиб борди. “Қоровулбозор” чорва хўжалигининг мудиринг Азиз Гадоев тошкентлик меҳмонларга кучоқ очиб, табассум билан пешвоз чиқди. Бу йилги баҳор ҳақиқий баҳор бўлган. Намгарчилик, ҳаво юмшоқ, чўл чўл эмас, лолазор, чаманзорга айланган. Бир сўз билан айтганда “чорвадорлар йили”

бўлган. Чорвадорнинг кўйи семиз бўлса, чехрасида табассум, дили баҳордек яйрайди. Чўпонлар чайласидан нарироқда арпағонли, ялтирбошли, қумли табиий гилам устига қизил рангли гилам ташланган, дастурхон ёзилган. Дастурхон шундай тўкин-сочин эдики, ундан кўзни узиб бўлмас эди. Ҳар биримиз дастурхон атрофига ташланган кўрпача ва қўлтиқни тўлдирадиган болишларга ёнбошладик. Сал ўтмасдан ҳар бир меҳмонга алоҳида-алоҳида, устидан буғ чарх уриб турган, оқ пиёз билан ёғда қовурилиб, ҳил-ҳил пишган барра гўштидан гумбаз ясалган чинни товоқлар тортилди. Мен оҳистагина Асомберди акага маъноли қараб қўйдим ва астагина “энди, “дуо”сини оласиз”, “юмронни уясини” ишга соласиз, дедим. Давра шундай мазмунли бўлдики, икки соатлардан сўнг “ўзимизга келдик”. Энди ғамзаю усулдан (зиёфатдан) худойи-расул (ҳидоят, маърифат) йўлига ўтдик. Мен Қоровулбозор чўллариغا қисқача таъриф бердим. Ушбу кўш қумли чўллар типи мавзесида жойлашганини, пастқамликлардаги юлғун (тамарикс) йўллари эса бир вақтлар Қашқадарёнинг Бухоро воҳаси томон оққан тармоқларининг излари эканлигини тушунтирдим.

Яйловзорларда бир йиллик ўтлар – ялтирбош, арпағон, исфарақ, мойчечак (сарикбош) етакчилик қиларди. Майда буталардан партак (чўл оқ печаги), или астрагали, исирик кўзга ташланар, сал узоқроқда бўйи 1,0-1,5 метр келадиган, бошига салла ўраб олган, йўғонлиги кетмон дастасидан 2-4 марта “семизроқ” бўлган сассиқ коврак бўйи чўзиб турарди.

Асомберди ака бу нима, дегандек менга ишора қилган эди, мен тушунтира кетдим. Сассиқ коврак кўп йиллик бута бўлиб, дастлабки йилларда лавлагисимон барглари ер бағирлаб ўсади. У 5-6 йил давомида илдизи мағзида оқсил-заҳира тўплайди ва ниҳоят намгарчилик мўл бўлиб, қулай баҳор келганда поя чиқариб шохлайди, гуллайди. Шу пайтда сассиқ ҳид чиқаради. Ниҳоят пулакчасимон уруғ қилади. Май ойида эса уруғлари пишиб, “салласи” тўкилади. Унинг пояси эса ерга қоқилган кетмон дастага ўхшаб қолса-да, ўзи енгил пўкакдан иборат бўлади. Қуриган, сассиқ ҳидини йўқотган пулакчасимон меваси эса майда туёқли чорва моллари учун хушхўр озуқа бўлади. Табобатда ҳам сассиқ ковракнинг шираси ва уруғи жуда қадрланади. Бу ўсимлик гуллаган пайтларида яйловларни кўриқлаб турган қоровулга ҳам

ўхшаб кетади. Унинг жуда қизиқ бир неча “кўчирма” номлари ҳам бор...

Меҳмонлардан А.Соатов эса ўсимликларнинг, айниқса юлғун (тамарикс)нинг индикаторлик (даркачилик) хусусиятлари ҳақида гапирдилар. Қоровулбозордаги ушбу зиёфат-баррахўрлик ҳамда маърифий саёҳат биринчи ва охириги марта эмас эди...

□ □ □

2. Тошкентлик домла – меҳмонлар Бухорога келганларида, кўпинча, ўғлим Отабекнинг “Семурғ” кафесидида овқатланар эдик. Кунлардан бир куни яъни 2004 йилнинг 24 апрелида профессор А.С.Солиев, доцент А.Соатов, А.Эгамбердиев, кафедра аъзоларидан А.Мавлонов биргалашиб кафега қадам ранжида қилдик. Мен ўғлимга “Отабек, меҳмонлар нозик, “қочирма”, - деб тайинладим. Биринчи ва иккинчи овқатларни еб маза қилдик. Ҳазил-мутуйиба, латифалар айтиб, энди турамиз деб турганда ўғлим катта товоқда гумбаз қилиб “жинжак” овқатни кўтариб кирди. Мен “Сен нима қилаяпсан, меҳмонлар тўйди, уч кунлик овқатни едилар-ку”, - деб, овқатни орқага қайтардим. Буғи барқ уриб турган жинжак кабобнинг “қўлдан” кетиши аниқ бўлгандан кейин А.Эгамбердиев, “Жиян, овқатни буёққа олиб келинг! Овқат ортиқчалик қилмайди, “Овқат – овқатга йўл очади”, деган гапни эшитмагансизми?”, - деб туриб олдилар. Шундан сўнг овқат ўртага олинди, давра қайтадан бошланди...

Меҳмон учун фойдали бўлган бу ҳикматли гап Бухорода оммалашиб кетди. Қаерда А.Эгамбердиев меҳмон бўладиган бўлса, учинчи овқат, албатта, тортиладиган бўлди. Мен ҳаммадан кўра жуда севиндим. Чунки Тошкентда Асомберди акага меҳмон бўладиган бўлсам, учинчи овқатга умидворлик ишончи тайин бўлди.

□ □ □

3. Тошкентда урология тиббиёт марказида тош касали туфайли мени (И.Қ.Назаров) операция қиладиган бўлишди. Бир кун олдин Тошкентга етиб бордим. Мен учун кадрдон бўлган ЎзМУ география факультетининг 307-хонасига кириб Асомберди ака билан бағирлашдим, кўнгил сўрашиб, “акам”лашдик. Кетиш олдида ортиқча пулларим сизда туриб турсин деб, 400 минг сўм пулни бердим. У киши сейфга солиб қўйдилар-да, “гап йўқ”,

дедилар. “Операция яхши ўтса, ўзим оламан, мабодо бир иш бўлиб қолса... ўғлим Шохбек келади”, - дедим. Операция 2011 йилнинг 22 октябрида эрталаб 9⁰⁰ да бошланди. Операция жуда яхши тугади. Мени аравада операция хонасидан олиб чиққанда эшик олдида Асомберди ака ва ўғлим Шохбек ҳаяжон билан қарши олдилар. Асомберди ака менга умидли энгашиб, “Хотира қандай?”, - десалар бўладими?! Мен бу сўровнинг маъносини дарров тушундим-да, “Хотира жойида, мен сизга 400 минг сўм пул қолдирган эдим”, дедим. “Эй воҳ! Мен хотира кетган бўлса керак деб ўйлаган эдим. Тезроқ тузалинг, худо шифосини берсин”, - деб кулимсираб кўйдилар...

Касалхонадан сўнг мени Қорақамишга, ота уйи – ўғиллари Ботирнинг уйига олиб кетдилар. У ерда 8-9 кун давомида роса “эридилар”. Қарз қиёматга қолмади. Ҳақиқатдан ҳам “овқат – овқатга йўл очар экан”... олимлик билан бир қаторда одамгарчилик ҳам бўлиши кераклигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Қариндошимга айланган Асомберди ака ва тошкентлик географ-олим дўстубиродарларга фақат “таъзим” билдиргим келади, холос! Дунёни гўзаллик қутқаради эмас, меҳру-оқибат қутқаради дегим келади.

Адабиётлар:

1. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс картага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истикболлари, муаммолари. - Тошкент, 2011. – Б. 36.
2. Турғунбой Мирзалиев 75 ёшда. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 29-жилд. - Тошкент, 2007. – Б. 174-175.

ХОТИМА ЎРНИДА

Ҳар бир даврнинг ўз тошу-тарозиси бор, деган ҳикмат мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир замоннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқалиган вазифалар борки, улар нафақат ижтимоий ҳаёт, балки барча фанларнинг ривожланишини ҳам белгилаб беради. Ҳозирги тобора авж олиб бораётган глобаллашув даврида бошқа фанлар катори картография ва у билан боғлиқ соҳалар зиммасига қатор вазифалар юклаб турилибди. Глобаллашув жараёни юқорида қайд қилинганидек, кўп қиррали бўлиб, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари айнаи даврда ҳар бир кишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозир инсонларда дунёнинг нариги четида рўй бераётган жараёнларга муносабат билдириш, ҳамда дахлдорлик туйғуси ортмоқда. Кишиларда дунёвий онг, тафаккур тарзи шаклланиб бормоқда. Глобал жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англашда ва тегишли хулосалар чиқаришда картографик тасвирлар жуда таъсирчан маърифий қудратга эга. **“Ҳудудлар ойнаси”, “Ҳақиқат ойнаси”, “Ойнаи-жаҳон”** деб тилга олинадиган турли мазмундаги карталарни яратиш айнаи даврда жуда зарур. Бу борадаги картографик изланишлар, энг аввало, картография ва бошқа соҳа мутахассисларининг мустаҳкам ҳамкорлигини талаб қилади. Карталаштиришда эса қуйидаги **учта стратегик йўналишни** кўзда тутмоқ лозим. **Биринчидан**, она юртимиз Ўзбекистоннинг моддий ва номоддий бойликларини, айниқса, миллий қадриятларимизни дунё ҳамжамиятига етказиш ва уларни асраб-авайлашни; **иккинчидан**, худди шунингдек, ҳар бир мамлакат ҳудудининг ўзига хос, бетакрор табиий, ижтимоий, сиёсий хусусиятлар тасвирини яратишдир. **Учинчи** йўналиш эса глобал жараёнларга бағишланмоғи лозим. Бу борада янгича картографик усул, ёндашувларни излаш ва амалда қўллаш талаб этилади.

Энг аввало, ҳар бир табиий, сиёсий-маъмурий ҳудудлар бўйича изоҳли картографик асарлар (паспортлар) яратиш мақсадга мувофиқ. Бундай картографик тасвирий асарлар, энг аввало, ўлкашунос, элшунос, туристлар, тадбиркор-ишбилармонлар учун асқотади. Дунёда содир бўлаётган ижобий ва салбий жараёнларни акс эттирувчи даврий карталарни яратиш ҳозирги замон талабидир. Бу ўринда диалектик мантиқ тамойилига (борлиқ доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда) амал қилиш лозим бўлади. Мазкур

картографик асарлар глобал жараёнларни мукаммал англашга, шу билан бир қаторда картография фанининг ижтимоий нуфузининг юксалишига олиб келади.

МУАЛЛИФЛАР ИЖОДИДАН
(И.Назаров)
ГЕОГРАФ-ОШИҚ!
(севгилисига ёзган хатидан кўчирма)

Хурматли ЮЛДУЗХЗОН!

Мана кўришмаганимиздан буён Ер ўз орбитасини бир марта, Ой эса ўн икки марта айланиб чиқди. Сенинг Амударё сувидек сержило, Байкал сувидек мусаффо, Ёқут олмосидек ноёб жамолинг ҳамон кўз ўнгимдадур. Юрагим қопқонидан чиқаётган босимнинг кучлилигидан гоҳ пассат, гоҳ антипассат, гоҳ муссон шамоллари пайдо бўлиб, доимо безовтаман!...

Кўксим тафтидан чиқаётган аланга муз зонасини океанга, ўрмон зонасини чўлга, чўл зонасини эса қовурмага айлантиришга қодир.


Хаёлим доимо 41°20' шимолий кенглик, 69°12' шарқий узунликда жойлашган сенинг координатангдадир.

Истасанг баландлиги 8848 метр келадиган Жамолугма чўққиси сенга шосула, чуқурлиги 11022 метр келадиган Мариана чўкмаси эса сарҳовуз бўлмай.

Агар севгимни рад этсанг, майдони 510 млн. кв км келадиган бу дунё, менга қуён инидек тор, Қора денгиз тубидек заҳарли, вулқонлар қаҳридек даҳшатлидир.

Сенга Сибирнинг кишидек саломатлик, кавказликлардек узок умр, Тинч океанидек катта қувонч тилаб, Сенинг табиий йўлдошинг СУЛАЙМОН.

Изоҳ: географ-ошиқнинг ушбу дилномаси 1969 йилда “Ўзбекистон” радиоканалининг “Табассум устахонасидан”, Бухоро вилоят радиосининг “Ханда” эшиттиришларида эълон қилинган ҳамда БухПИ (ҳозирги БухДУ)нинг “Илғор фан учун” рўзномасида чоп этилган.



МУНДАРИЖА

